



МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚКАМ АСОСИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу муаззам «Янги Ўзбекистон» боғида туриб, сиз, азизларни, бутун халқимизни

улуғ айём – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу ва олижаноб тилақларимни изҳор этаман.

Хурматли дўстлар!

Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида «Ўзбекистон Республикаси» деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз мухтарам Ислоҳ Абдуғаниевич

Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик.

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб бер-

ган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.

Давоми 2-саҳифада.

«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонни соҳиблари аниқланди

Олд томони



Орқа томони



МАЗКУР МУКОФОТ ФИДОЙИ ВА МЕХНАТКАШ, МАҲАЛЛАСИ, ЭЛУ ЮРТИ ТАШВИШИДА ТУНЛАРНИ ТОНГЛАРГА УЛАГАН ҲОКИСОР ЮРТДОШЛАРИМИЗ МЕХНАТИГА МУНОСИБ РАҒБАТ БЎЛДИ

Давоми 4-саҳифада.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

КУН ТАРТИБИДА —
ИНСОН ҚАДРИ,
ХАЛҚ РОЗИЛИГИ!

ТАБРИК

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қадрли юртошлар!

Охирги олти йил давомида биз Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида кенг қамровли ислохотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмакдамыз.

Ўтган даврда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди.

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барчамиз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув асосида халқимизга хизмат қилмакдамыз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инкирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт куриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улғу вазифанинг шарт ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил – бу демократик ислохотлар йўлидир.

Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб берадиган бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз учун инсон, унинг қадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмакдамыз.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги аён аналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам ота-хон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламыз.

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танловларда голиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келмакдамыз.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта «Олимпия чемпиони» деган юксак шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлайди.

Ушбу улғу айёмда мана шундай ақлли, иродаси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизларимизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор қўллаб, уларга янги зафар ва омадлар тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркияда ўтказилган Ислам бирдамлик ўйинларида, ҳарбий хизматчиларимиз эса, халқаро армия мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлари таҳсинга сазовордир.

Азиз юртошлар!

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Биз барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юритишни давом эттирмакдамыз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари самимий қўллаб-қувватлаб.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!



Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширмакдамыз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан. Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир. Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очиқ ва адолатли жамият ҳам тушунилади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этамыз.

Биринчидан, таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирмакдамыз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараш кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамыз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантирамыз.

Иккинчидан, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта давом эттирмакдамыз.

Учинчидан, дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда – сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади.

Умуман айтганда, биз қураётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка ҳалақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтиради.

Биз аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислохотларни изчил давом эттирмакдамыз. Бунда ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар берилмайди, соғлом рақобат муҳити учун барча зарур шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирамыз.

Барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам қамровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштирамыз.

Мақсадимиз – халқимиз соғлом ҳаёт кечирishi ва ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга эришиш.

Бешинчидан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади.

Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтиради.

Шу билан бирга, муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширамыз.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, бундай кенг қўламли вазифаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин ўз тарихида қанча-қан-

ча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир. Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган – янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қонунимизни шошилмасдан, чуқур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, фақат умумхалқ референдуми асосида қабул қиламыз.

Ишончим комил, Янги Конституциямиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Жаҳондаги бугунги мураккаб вазият биздан ишонинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини юксалтириш ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Аскар ва офицерларимизнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамыз.

Мана шу қўллуғ кунда Ватан ҳимоясида доимо сергак ва ҳушёр турган мард ва жасур ўғлонларимизни чин дилдан қўллаб, уларга куч-ғайрат ва омадлар тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун биз ўз олдимизга улғувор ва юксак мақсадларни қўймоқдамыз.

Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўпмиллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан.

Сиз, азиз юртошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қўллаб, барчангизга сизат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин! Яратганинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

МУНОСАБАТ

Оғизбирчиликда гап кўп...

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ, ЎЗГАРИШЛАР, АВВАЛО, МАҲАЛЛАДА СЕЗИЛАДИ. ЭНДИ ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВАКИЛЛАРИ БОР



Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади. Айни мезон асосида бугун деярли барча маҳаллалар қатори «Амударё» йиғинини қурилиш-бунёдкорлик ишлари қамраб олган. Янги-янги бинолар, тураржой мажмуалари, мактаб ва боғчалар бунёд этилмоқда. Спорт ва болалар майдончалари, сунъий қопламали стадионлар қуриш асносида ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилмоқда.

Куни кеча Президентимиз маҳалламизга ташриф буюриб, йиғинда яратилган шароитлар билан танишди. Фаоллар, нуронийлар билан мулоқотда маҳаллада яратилган ноёб тизимнинг ўзига хос томонлари, аҳолини рози қилиш йўлида амалга оширилаётган лойиҳалар, иш ўринларини яратиш борасидаги ташаббуслар ҳақида сўз борди. Одамлар турмуш тарзини яхшилашга қаратилган ташаббуслар илгари сурилди.

«Мен Президент сифатида бошқа ҳудудларга нисбатан энг кўп Қорақалпоғистонга келибман. Биринчи қадамларимиздан билдикки, пастга тушсак, бирлашсак, ҳаракат қилсак,

ўзгариш қилса бўлар экан. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда катта яниланиш бўлди. Ичимлик суви таъминоти яхшиланди, мактабгача таълим қамрови ошди. Кўплаб уй-жойлар қурилди. Бундай ўзгаришларни сизларнинг маҳаллангизда ҳам кўриб, хурсанд бўлдим», — деди Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат, маҳалламизда 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Иккита саноат корхонаси, 20 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида одамлар иш билан банд. Яқинда маҳалладаги ички йўллар, табиий газ ва электр тармоқлари таъмирланди. Ён-атроф ободонлаштирилди.

Мактаб ва мактабгача таълим муассасаси қиёфаси янгилашиб, шароитлари яхшиланди. Бир сўз билан айтганда, авваллари оғир ҳудудлар сафида турган маҳалла тамомила бошқача қиёфа кирди.

Президентимиз халқимиз мана шундай обод, чиройли жойларда яшашга муносиблиги, ишларни «маҳаллабай» ташкил этаётганимиздан мақсад ҳам шу экани, энди бу ерда мухит, кўни-кўшничилик, аҳиллик ҳам мустаҳкам бўлиши лозимлигини қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари учрашувда фарзандларимиз тарбиясида нуронийларимизнинг билимлари ва ҳаётий тажрибасидан кенг фойдаланишимиз зарурлигини таъкидлади. Зеро, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нуронийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай

муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир. Бу ҳақда сўз борганда, нуронийлар июль ойида юз берган воқеалар катта хато бўлганини, айрим ёшлар адашганини, асрлар давомида қорақалпоқ ва ўзбек бир тану бир жон бўлиб кетганини таъкидладилар.

«Албатта, бу барчамизни қаттиқ ташвишга солди. Бу ҳодисалар Қорақалпоғистон халқининг хоҳиш-иродаси эмасди. Қорақалпоқ элининг виждони пок. Халқимиз «эт билан тирноқ». Илоҳим, бундай кўнгилсизликлар бошқа бўлмасин, юртимиз тинч, оғзибирчилигимиз абадий бўлсин», — деди Президент.

Учрашувда яна бир жиҳат — маҳаллада яратилган ўзига хос тизимнинг аҳамиятлари ҳақида сўз борди. Ислохотлар натижалари, ўзгаришлар, аввало, маҳаллада сезилади. Илгари одамлар бирор муаммоси бўйича ҳокимликка борарди, хатлар ёзарди.

Энди ҳар бир маҳаллада Президентнинг вакиллари бор. Улар хонадонларни ўрганиб, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш, ишсизларни касб-хунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш бўйича ишларни самарали йўлга қўйган.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳалламизга ташрифи ҳудуд аҳлига катта қувонч улашди. Мулоқотда тилга олинган масалалар фаоллар зиммасига янада катта масъулият юклайди. Ўйлаймизки, маҳаллада йўлга қўйилган яхлит тизим орқали барча муаммоларни ҳамжихатликда шу ернинг ўзида ҳал этамиз. Зеро, бугун олдимизга қўйилаётган вазифа ҳам шу аслида.

Жумагул АМАНДАЛИЕВА,
Нукус шаҳридаги «Амударё» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ҚАҲРАМОН САРИЕВ МАҲАЛЛАДА ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ

Нукус шаҳридаги «Жана бозор» маҳалла фуқаролар йиғинида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қаҳрамон Сариев аҳоли билан сайёр қабул ўтказди.

Сайёр қабулда фуқаролар бандлик, тадбиркорликни йўлга қўйиш, ички йўлларни таъмирлаш, кредит олиш каби ижтимоий муаммоларни ҳал этишда кўмак ва маслаҳат сўраб мурожаат қилди.

— Оилавий ҳолатимиз оғир. ёрдам сўраб мурожаат қилгани келдим, — дейди «Жана бозор» маҳалласида яшовчи Улдайған Эрниязова. — Ёлғиз онаман, вояга етмаган фарзандларим бор. Қабулда уйимнинг томини шифер қилиш учун ёрдам сўрадим. Вазирлар Кенгаши Раи-

си мурожаатимни диққат билан тинглаб, шу ернинг ўзида масъулларга топшириқ берди. Шу асосда қисқа фурсатда уйни таъмирлаш, ўзимизга моддий ёрдам ажратиш бўйича қарор қабул қилинди.

Дарҳақиқат, шу куни аҳоли мурожаатларининг аксарияти шу ернинг ўзида ечимини топди. Муддат талаб қиладиган бир нечта мурожаат бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ.



БИЛАСИЗМИ?

ЁЛҒОН АХБОРОТ УЧУН ЖАЗО БОР

Жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатган шахс БҲМнинг 100 бараварига (30 млн сўмгача) жаримага тортилиши мумкин.

Шунингдек, ёлғон ахборот тарқатганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс ушбу ҳуқуқбузарликка такроран йўл қўйса, қуйидаги жазо чораларидан бири қўлланилиши мумкин:

- БҲМнинг 200 бараварига (60 млн сўмгача) миқдорда жарима;
- 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- 2 йилгача озодликни чеклаш.

ЭҲТИРОМ



«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони соҳиблари аниқланди

МАЗКУР МУКОФОТ ФИДОЙИ ВА МЕҲНАТКАШ, МАҲАЛЛАСИ, ЭЛУ ЮРТИ ТАШВИШИДА ТУНЛАРНИ ТОНГЛАРГА УЛАГАН ҲОКИСОР ЮРТДОШЛАРИМИЗ МЕҲНАТИГА МУНОСИБ РАҒБАТ БЎЛДИ

Маҳалла азалдан миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлиб келган. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашару маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши-ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос фазилатлар маҳалла муҳитида шаклланди.

Бугун 33,5 миллиондан ошган халқимизнинг тақдирини маҳаллаларга пайванд, ўз навбатида, одамларнинг ташвиши, қувончу шодлиги маҳалла учун асло бегона эмас. Ана шу яхши одамлар, эзгу амаллар туфайли давлатимиз сийёсатининг бош мақсадини ташкил қилган инсонпарварлик, адолатпарварлик ғоялари жамиятимизга изчил татбиқ этилмоқда. Президентимиз бошчилигидаги ҳаётбахш ислохотлар маҳаллаларнинг ёрқин манзарасида намоён бўлаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши фидойи ва меҳнаткаш, маҳалласи, элу юрти ташвишида тунларни тонгларга улаган ҳокисор юртдошларимиз тақдирлаш учун муҳим ҳуқуқий асос, меҳнатига муносиб рағбат бўлди. Мазкур қарор ижроси доирасида жорий йилнинг 26 август кунини Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг тегишли буйруғи қабул қилинди ҳамда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонининг бу йилги соҳиблари рўйхати тасдиқланди.

Вазирлик ҳузуридаги номзодларни кўриб чиқиш бўйича доимий комиссиянинг таклифи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган, шижоатли, фидойи, фаол, ташаббускор фуқаро

ролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари билан маҳалла тизимини ривожлантириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишдаги фаоллиги ҳамда бу борада эришган алоҳида ютуқлари учун «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги тавсиялари инobatга олиниб, 500 нафар юртдошимиз ана шундай юксак сарафга лойиқ топилди.

Ҳар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишлаган, ота-онаси, фарзандлари олдида, ўз Ватани, маҳалласи, келгуси авлодлар олдида ҳалол ва виждонан қилган меҳнатининг ҳосилини, ўз хизматининг тан олинганини, қадр топганини кўраётган, бундай инсон ўзини, албатта, бахтли деб ҳис қилади. Эътиборлиси, тақдирланганлар орасида маҳалла тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган ходимлар, маҳалласи билан бир тану бир жонга айланган йиғин фаоллари билан бирга, юртимиздаги осойишталик, фаровонликка ҳисса қўшаётган, маҳалла

юмушига ҳеч оғринмасдан елка тутиб келаётган тадбиркорлар, ўқитувчи ва педагоглар, шифокорлар, турли нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳам бор.

Жумладан, тақдирланганларнинг 202 нафари маҳалла раиси, 187 нафари маҳалла фаоллари, 57 нафари маҳалла тизими ходимлари (ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, профилактика инспекторлари), 34 нафари давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, 20 нафари фаол тадбиркор ва фермерлардир. Номзодларнинг 146 нафари аёллар ташкил этади.

«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан совриндорларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш микдорининг 4 баравари (ҳозирда 1 млн. 200 минг сўм) микдорида пул мукофоти ҳамда мамлакатимиз санаторийларида даволанишлари учун бир мартабалик бепул йўлланма берилди. Шу билан бирга, уларнинг маҳалла тизими ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ва ибратли фаолиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда туман (шаҳар) марказларидаги «Маҳалла маркази» мажмуалари биноларига «Маҳалламиз ифтихорлари» ахборот пешлавҳаси ўрнатилди.

Мукофотлар Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрами муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда тантанали равишда топширилди. Тақдирлаш маросимларида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири Т.Худайбергенов, вилоят ҳокимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони асосида маҳалла тизимининг қатор ходимлари ҳамда нуронийлар жамоатчилиги кенгаши аъзолари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони

Хашимов Ааманджан — Фарғона вилояти нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли

«Меҳнат шухрати» ордени

Турсунов Акбархужа — Учкўприк туманидаги «Тошкентлигузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

«Дўстлик» ордени билан

1. Бегнаева Бибисора — Қарши туманидаги «Ертепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

2. Гиясов Аълоҳон Камалович — Юнусобод тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Тошкент шаҳри

3. Календеров Караматдин Каражанович — Нукус шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

4. Мирзакулова Ўлмас Абдурасуловна — Термиз шаҳридаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

5. Носиров Абдусамад — Пискент тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Тошкент вилояти

6. Рахимов Бозор — Бахмал тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Жиззах вилояти

7. Тулякова Робия — Сурхондарё вилояти «Бувижонлар» мактаби раиси

8. Турдибаев Ҳашимжон Пирматович — Қувасой шаҳридаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

9. Хайдарова Ойдин Нематжон қизи — Мирзо Улуғбек туманидаги «Олимплар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

10. Худойназаров Тухта — Тайлоқ тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Самарқанд вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали

Олимов Ботир Комилович — Шофиркон тумани маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

«Шухрат» медали

1. Жўраев Хайдар — Зомин тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Жиззах вилояти

2. Маматмуротов Шерали Холмўминович — Бандихон тумани «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Сурхондарё вилояти

3. Нишаналиева Айшахон — Юнусобод тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Тошкент шаҳри

«Mahalla» газетаси таҳририяти жамоаси мукофотланганларни табриклар, келгуси фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайди.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

Кун тартибида — инсон қадр, халқ розилиги!

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз! Таклиф лойиҳага, лойиҳа дастурга айланди



Жорий йилнинг ўтган даврида Фарғона вилоятидаги Президент Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ҳудуд аҳолисидан 73 минг 148 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 69 минг 115 таси кўриб чиқилган. Шундан 36 минг 490 таси ёки 52,7 фоизи ижобий ҳал қилинган, 30 минг 970 дан зиёд ёки 44,8 фоиз масалага ҳуқуқий маълумот ва тушунтириш бериш орқали ечим топилган бўлса, яна бир қисм мурожаатлар узоқ муддатли назоратга олинган.

Дейлик, Риштоннинг Полвон-обод қишлоғида 1960 йилларда қурилган бир шийпон анчадан бери бўш турган эди. Шу қишлоқлик тадбиркор Икромжон Маматқулов бу ерда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида янги бино қуриш таклифи билан чиқди. Масала шу ерда ўрганилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Айтиш пайтда қурилиш ишлари бошланган. Бинонинг асосий қисмида маҳалла идораси жойлашса, ертўласида чеварчилик корхонаси ташкил қилинади, бўшаган майдонда эса музлатгичли омборхона бунёд қилинади. Бу билан маҳаллада ўнта янги иш ўрни яратилади.

Бағдодлик 23 ёшли тадбиркор Шерзодбек Абдухалилов тумандаги кичик саноат зонасида ихчам инкубаторлар, музқаймоқ, кўмир брикетлари ва кир ювиш воситалари тайёрлаш ускуналари-ю дастохларини ишлаб чиқармоқда. Биргина «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида мамлакатимиз бўйлаб 300 дон инкубатор етказиб берилди. Бу йил ёш тадбиркор фаолиятини кенгайтириш учун банкдан кредит олмақчи бўлди-ю, иши ҳадеган-

да битавермади. Ўша кунларда давлатимиз раҳбари топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳи Фарғона вилоятида оммавий қабуллар ўтказаяётгани, бу масала қабулнинг ўзида кўриб чиқилиб, ҳал қилинди. Тадбиркорга яқинда 350 млн. сўм кредит берилди. Бу маблағ эвазига хориждан токарлик ускунаси, пайвандлаш дастгоҳлари харид қилинди. Насиб қилса, қишлоқдаги яна 12 нафар инсон доимий ишли бўлади.

Кўқон шаҳрида ҳам тадбиркорлар мурожаатларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш қўламини ошириш борасида янги-янги имкониятлар эшигини очмоқда. Айтилик, шаҳарнинг «Ашурали Зоҳирий» маҳалласи ўраида узоқ вақтдан бери бўш турган ерлар маҳалланинг 10 нафар тадбиркорига ажратиб берилди. Улар орасида Мунаввар Ашуров ҳам бор. Бунга қадар хонадонда трикотаж маҳсулотлари тайёрлаб, йиллар давомида бу ишнинг ҳадисини олган тадбиркор йигит ҳозирча маҳалласидаги 20 нафар хотин-қизни ишли қилди.

Мунаввар Ашуров энди кўшимча ер майдони олиб, янги оилавий корхона биносини барпо этди. Қурилиш ишлари якунланиш арафасида. «Якка тартибдаги тадбиркор» мақоми «оилавий корхона»га ўзгартирилиши билан 600 млн. сўм кредит олиниб, корхона жиҳозланади. Бу билан 20 та иш ўрни уч баробарга ошади.

Мурожаатлар асосида наинки тадбиркорлик, балки йўл, сув, электр энергияси каби одамлар турмушидаги энг бирламчи масалаларга оид мурожаатлар ҳам жойига чиқиб ўрганилиб, муаммолар аҳоли ва секторлар билан кенгашилган ҳолда ҳал қилиб берилмоқда. Дейлик, Бувайда туманининг бироз чеккароқ, марказдан узоқроқ ҳудуди – «Чўтақа» маҳалласида 30 йилдан буён ичимлик суви муаммо, кўчалар лой-чанг эди. «Эди» деганимизки, шу пайтгача норавон кўчалардан 3 км. йўл босиб, сув ташиб ичган чўтақалиқлар бу масалага ечим сўраб мурожаат қилгач, 900 та хонадонни қийнаб келаятган мазкур тизимли муаммони ҳал қилиш бўйича маҳаллий дастурларга таклиф тайёрланди. Таклиф лойиҳага, лойиҳа дастурга айланди. Масалани ҳал қилишнинг ҳуқуқий-молиявий асоси пайдо бўлгач, амалий ишлар бошланди.

Бу йил маҳаллий дастур асосида 6 млрд. сўм эвазига ҳудудни тўлиқ ичимлик суви билан таъминлаш учун икки босқичда иш бошланди. Биринчи босқичда

Дамариқ қишлоғидаги 400 та хонадонга оби-ҳаёт олиб келиш учун 6 км. ичимлик суви тармоғи тортиш, 1 та ичимлик сув қудуғи қазिश, 300 кубометрли сув сақлаш омбори ва янги электр трансформатори қуриш ишлари олиб борилмоқда. Кейинги босқичда эса қолган 500 та хонадонга ичимлик суви тортиб берилади.

Қувасой шаҳрининг «Қалъача» маҳалласи аҳолиси мурожаатлари асосида ҳудуддаги 14 та хонадонни ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам кун тартибида турган эди. Бу бўйича таклиф тайёрлаб берилгач, маҳаллий дастур асосида ажратилган 76 млн. сўм эвазига 1,4 км. тармоқ тортилиб, 14 хонадонга оби-ҳаёт кириб борди. Ўрганишлар асосида ҳудуддаги эскирган симёғочлар бетон устунларга алмаштирилиб, 450 метр электр тармоғи тортилиб, таъминотдаги масала ижобий ҳал этилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ижтимоий давлат» ғояси, ҳар бир эҳтиёжманд инсонни ҳеч қандай истисносиз ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими мурожаатлар билан ишлаш натижаларида ҳам акс этмоқда. Бу борада биргина мисол — кўқонлик Илҳомжон Турдиев ҳикояси етти жондан иборат оила тақдирга туташ. Илҳомжон ака икки йил аввал рафиқасини сўнгги йўлга кузатди. Икки фарзандида ногиронлик бор, бир қизи турмушидан ажраб, икки фарзанди билан ота уйига қайтган.

Боз устига, невараларидан бири туғма ногирон. Яна бир ўғли 30 ёшга қараб кетяптики, уни уйлаш, оилали қилишга уй-жой муаммо бўлиб турган эди. Сабаби етти жон 3 хонали квартирага тикилиб яшарди. Айти масаладаги мурожаат жойига чиқиб ўрганилгач, уларга ижтимоий уй ажратилди. Оила бошлиғи икки қизи ва икки невараси билан янги хонадонга кўчиб ўтди.

Ўрни келганда, айтиш керакки, яқинда Кўқоннинг Темир Малик кўчасида қуриб фойдаланишга топширилган кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидаги 8 та хонадон ногиронлиги бор шахсларга ажратиб берилди.

Кўқонлик икки фарзанднинг отаси Улуғбек Йўлдошев 16 ёшда юрак хасталигига учраган, ногиронлик кўчасида ҳисобига кун кечирмоқда. Юрак жарроҳлигини ўтказишга эса, табиийки, имкон қилолмади. Айти шундай оғир паллада давлатимиз унга ёрдам қўлини чўзди. Мурожаати асосида «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан 40 млн. сўм ажратилгач, мураккаб юрак жарроҳлиги амалиёти ўтказилди. Энди Улуғбек кундан-кун соғайиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз! Мурожаатлар асосида муаммоларни ҳал қилиш борасидаги Президент Халқ қабулхоналарининг барча амалий саъй-ҳаракатлари шу эзгу ғоя ижобатига хизмат қилмоқда.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ»

Яшнобод туманидаги «Катта Қўйлик» маҳалласида «Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Маҳалла фаоллари, нурунийлар, ҳудуддаги эҳтиёжманд оила вакиллари иштирок этган тадбирда мустақилликнинг қадр-қиммати, айниқса, янгиланаётган Ўзбекистондаги ислохотлар моҳияти ҳаётий мисоллар билан очиқ берилди. Айти жароёнда маҳалла тизимида олиб борилаётган ишлар, уни том маънода халққа энг яқин тузилмага айлантириш борасидаги ташаббуслар ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди.

— Мазкур тадбир маҳалла аҳлини бир манзилда тўплаб, ўзаро дийдорлашиш, фикр алмашиш майдонига айланди, — дейди «Катта Қўйлик» маҳалласи раиси Раҳматжон Маҳкамов. — Нурунийларнинг ҳаётий сабақлари, мустақилликни кўз қорачиғидек асраш лозимлиги

ҳақидаги насиҳатлари, чемпион спортчилар билан мулоқот даврамизга ўзгача файз улашди. Бундай тадбирлар йиғинимизда доимий тарзда ўтказиб келинади. Бу эса маҳалла аҳлининг бирдамлиги, аҳиллиги, барча масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этишига хизмат қилмоқда. Тадбир давомида футбол, стол тенниси каби спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Аҳоли мурожаатларни ўрганиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотлари, турли совға-саломлар тарқатилди. Санъат усталарининг чиқиши барчага уш қайфият улашди.



ЖАРАЁН

**ЭНДИ МУАММОЛАРНИНГ
ОҚИБАТИ БИЛАН ИШЛАШ
ВАҚТИ ЎТДИ.
УЛАРНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШГА ҚАТЪИЙ
КИРИШИШ ВАҚТИ
АЛЛАҚАЧОН КЕЛГАН**

Меҳнатга ҳақиқий баҳони олийжаноб халқимиз беради

Ҳар қандай улкан иш эзгу ниятдан бошланади. 2022 йилнинг ўтган даврига назар ташлаб, босиб ўтилган йўл, эришилган натижаларни таҳлил этар эканмиз, ана шу ҳаётий ҳақиқатга яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Хўш, жорий йилнинг орта қолган даврида маҳаллалар ҳаётида қандай ўзгаришлар юз берди? Қандай эзгу ишлар одамларимизни хушнуд этди? Йил бошида ният қилинган қайси яхши, соғлом амаллар рўёбга чиқди?

Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, эришилган марралар, муваффақиятларни сарҳисоб қилиб қувонамиз, ютуқларимиз бизга янги куч, ғайрат-шижоат бағишлайди. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, ечимини кутаётган масалалар ҳам борки, бу фаолиятимизни яна бир карра чиғирикдан ўтказишни тақозо этади.

ҲАР БИР МУРОЖААТ — ЭЪТИБОРДА

Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ҳамкор идора ва ташкилотлар билан биргаликда жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили тўлақонли жорий этишда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳисобот даврида Вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами **1 055 та** мурожаат келиб тушди, шундан **818 таси** ижобий ҳал этилди ҳамда **237 таси**га ҳуқуқий тушунтириш берилди. Шу билан бирга, Халқ ва Виртуал қабулхоналар, Ишонч телефонлари орқали келиб тушган **618 та** мурожаатнинг **476 таси** ижобий ҳал этилди, **134 таси**га умумий тушунтиришлар берилди.

Худуддаги мавжуд **424 та** маҳаллада «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия»лар тузилган бўлиб, ўтган давр мобайнида маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишга оид норматив ҳужжатлар ижроси бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилди. Шу асосда давлат органларида **130 та** мурожаат ва сўров юборилди, давлат органларининг **16 та** очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этилди.

Бундан ташқари, 2022 йилги манзилли дастурга киритилган **52 та** маҳалла ва **34 та** кишлоқда олиб борилаётган ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

НУРОНИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОДА

Кексалар тажрибаси ёшлар учун ҳаёт мактаби. Аиниқса, уларнинг қимматли панду насихатлари, ҳаёт сабоқлари йигит-қизларнинг шижоати билан бирлашса, жамиятни ривожлантирувчи кучга айланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «**Кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нуронийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир**».

Айни жиҳатлар ҳисобга олиниб, «**Ҳар бир нуроний – ўн нафар ёшга мураббий**» шиори остида **774 нафар** нуронийга **6 158 нафар** маънавий кўмакка муҳтож, ички ишлар органларида профилактик ҳисобида турувчи ёшлар бириктирилди. Улар билан олиб борилган маънавий-маърифий тадбирлар, суҳбатлар натижа-сида **3 319 нафар** йигит-қизнинг муаммоси ҳал этилди. Худди шундай, худуддаги мавжуд **726 та** умумтаълим мактабига **2 034 нафар** ижтимоий фаол нуроний бириктирилиб, тарбия соатлари ўтказилди.

Маҳаллаларда ўзининг эзгу фазилатлари ҳамда эришган ютуқлари билан кўпчилик орасида катта ҳурмат қозонган инсонларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштиришга қаратилган «**Уч авлод учрашуви**» тадбирлари ташкил этилиб, уларга **58 640**

нафардан ортиқ аҳоли вакиллари жалб этилди.

ИЖТМОИЙ КЎМАК — КИМГАДИР МАДАД ДЕМАК

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Айни мақсадда **1 518 нафар** яқка ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексалар, жумладан, **389 нафар** ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нуроний ва ногиронларга **491,2 млн. сўмлик** асосий турдаги озик-овқатлар, гигиена воситалари, **858 нафарига** **66,4 млн. сўмлик** дори воситалари, **93 нафарига** протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари етказиб берилди ҳамда **1 560 нафар** пенсионерлар бепул санаторийларда соғломлаштирилди. «Ўзбекистон буйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида **4 444 нафардан ортиқ** нуронийларнинг сайёҳати ташкил этилди.

Аёл илмли, заковатли, фаол, меҳнат билан банд бўлар экан, у ўзини тарбиялайди, теvarак-атрофини тартибга солади, назорат қилади, ташаббус кўрсатиб, янгилик яратди. Тартиб бор жойда эса интизом, хотиржамлик, унумдорлик ва даромад бўлади. Янги-янги орзулар, режалар тузилади. Яхши яшашга эҳтиёж ва кўникма шаклланиб боради.

Шу мақсадда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож **2 778 нафар** хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш учун **1 955,4 млн. сўм** миқдорида пул маблағжратилди. Натижада уларнинг **996 нафари** касб-хунарга ўқитилди, **94 нафари**га томорқасида иссиқхона қуриб берилди, **200 нафари** тикув машинаси ва бошқа ускуналар билан таъминланди, **926 нафари** жамоат ишларига жалб қилинди, **562 нафарига** бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

Қолаверса, ҳисобот даврида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож **2 311 нафар** хо-

тин-қиз ижтимоий қўллаб-қувватланди. Шундан **871 нафарига** бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, **229 нафарига** фарзандларини **МТМга бериш** харажатлари қоплаб берилди, **161 нафарига** даволаниш учун маблағ ажратилди, **1 003 нафарига** бошқа турдаги моддий ёрдамлар кўрсатилди.

КИТОБГА ОШНА ҚАЛБЛАР

Маҳалла — маънавият ва маърифат ўчоғи. Шундай экан, бу тузилма ёшлар тарбияси учун ҳамиша масъул. Ҳар доим, ҳар нарсадан аҳолисининг **1 018 843 нафарини** ёшлар ташкил этади. Уларнинг бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳаллаларда бир қатор тадбирлар, танловлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, ўтган давр мобайнида китобхонликни кенг тарғиб этиш бўйича **2 843 та** маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. «**Ёш китобхон**», «**Китобхон оила**», «**Энг яхши иншо**», «**Адабиёт ҳафталиги**» шулар жумласидан. Айни пайтда мавжуд **424 та** маҳалланинг **61 тасида** (мактаб кутубхоналари киритилмаган) кутубхона ва китоб дўконлари (шундан **25 та** маҳаллада китоб дўкони ва **46 тасида** кутубхоналар мавжуд) ташкил қилинган. Уларда жами

60 мингдан ортиқ китоб фонди шакллантирилган ва маҳалла фуқаролари учун хизмат қилиб келмоқда. Маҳаллаларнинг **267 тасида** китоб савдо ярмаркалари ташкил қилинди.

Худудда кутубхона мавжуд бўлган **46 та** маҳаллада **218** мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, уларнинг **90** мингдан ортиғи ёшлардир. Мазкур кутубхоналарга бугунги кунда **62** мингдан ортиқ аҳоли вакиллари доимий равишда китоб мутолаа қилиш учун ташриф буюради.

ШАРОИТ ЯРАТМАЙ, ИШНИ ЖОНЛАНТИРИБ БЎЛМАЙДИ

Шу ўринда, маҳалла ходимларининг самарали фаолият юритиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тан олиш керак, бугун кўпгина маҳаллалар ўз биносига эга эмас, қайсидир давлат ташкилоти биноларида ижарада фаолият юритмоқда. Ахир, маҳалла ходимлари, турли фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик тузилмаларига зарур шарт-шароит яратмасдан туриб, улар ишини жонлантириш ҳақида сўз юритиш мумкинми?

Айни ҳолат атрофлича ўрганилиб, шу кунга қадар худудда **18 та** маҳалла биноси қуриб, фойдаланишга топширилди, **31 та** маҳалла биноларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, жорий йилда жами **45 та** фуқаролар йиғинининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Қорақалпоғистон маҳаллаларида иш қизгин, одамлар оғирини енгил қилиш, муаммоларига кўмакчи бўлиш, дардини олиш ҳар бир маҳалла ходимининг мақсадида айланган. Энди муаммоларнинг оқибати билан ишлаш вақти ўтди. Уларнинг олдини олишга қатъий киришиш вақти аллақачон келган. Президентимиз таъкидлаганидек, энди қайси жойда раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, ўша жойда вазият ўзгаради. Бугун бу сўзлар йиғинлар фаолиятида дастуриламалга айланган.

Соғиндик ТУРМАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири.

ЖАРАЁН

Белни маҳкам боғлаб ишлаш пайти келди

АЛБАТТА, РАҚАМЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҲАЖМИНИ КЎРСАТАДИ. ҲАР БИР РАҚАМ ОСТИДА ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА КЎНГЛИ КЎТАРИЛГАН, ИСЛОҲОТЛАРГА ИШОНЧИ ОРТГАН ФУҚАРОЛАР БОРЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЛОЗИМ



Исроил ЖАББОРОВ, Самарқанд вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

Бошқа жойларда қандай, билмадим. Аммо вилоятимизда маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизими мукамал йўлга қўйилган. Уйма-уй юриш, одамларнинг муаммоларини алоҳида-алоҳида ва тўлиғича ечимларини топиш бўйича иш олиб бораемиз. Идорамизда кабинетда ўтириб ишлайдиганлар йўқ. Доимо одамлар орасида, маҳаллалар, туманлар ҳудудидамиз. Фуқароларнинг мурожаатини, талаб ва таклифларини бевосита жойида эшитиш, ўрганиш ва ҳал қилишга одатланганмиз.

Ўзим ҳамиша халқ орасида бўлишга интиламан. Бу ҳар бир раҳбарга бугуннинг, Президентнинг қўяётган талаби. Зеро, халқ ва раҳбарлар ўртасида тўсиқлар бўлмаслиги керак. Раҳбар инсонлар дардини қозғолар орқали эмас, бевосита унинг ўзидан эшитсин.

Эришган ютуқларимизнинг асосини айнан шу омил билан боғласам, тўғри бўлади. Жорий йилнинг 6 ойи давомида маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий-техник базасини яхшилаш, жамиятдаги ўрнини кучайтириш, аҳоли кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида қатор тизимли ишларни амалга оширдик.

МАҲАЛЛАЛАР СЕНИ КЎПАЙМОҚДА

Жорий йил вилоятимизда олти янги маҳалла ташкил этилди. Натижада мазкур ҳудудлар аҳолисига қўшимча қулайликлар яратилмоқда. 8-10 минг нафардан аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудларимиз иккига ажратилди. Оқибатда бошқарув ишлари самарадорлиги ортди.

1126 та маҳаллада 20 турдаги хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисининг 2022 йилга мўлжалланган ҳамкорликдаги манзилли «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Ҳозирда мазкур йўл харита асосида

иш олиб борилмоқда. Бу эса иш ўринларининг кўпайиши, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида муҳим омил бўляпти.

ТЎКИС ШАРОИТ — ИШ САМАРАДОРЛИГИ ГАРОВИДИР

Шу ўринда эскирган, таъмирталаб маҳалла идоралари биноларини янгилаш ишлари жадал кетаётганини таъкидлаб ўтишни истардим. Йилнинг ўтган даври мобайнида 125 та ана шундай маҳалла бинолари янгидан қурилди. 19 таси мукамал, 106 таси янгидан қурилди, 55 тасида қурилиш ишлари давом этяпти. Шу билан бирга, 203 та маҳалла компьютер техникаси ва 118 та маҳалла мебель жиҳозлари билан таъминланди. Мазкур ҳаракатлар яна давом этади.

Ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги даврда интернетдан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта. Шу боис вилоятдаги маҳалла идораларининг деярли барчаси узлуксиз интернет тизими билан таъминланди. Ҳозирда жами 1118 та идора, яъни йиғинларнинг 99,2 фоизи интернетга уланган. Айни кунларда 8 та маҳаллани тизимга улаш ишлари жадал давом этяпти.

НУРОНИЙЛАР ҲАМИША АРДОҚДА

Ўтган давр мобайнида вилоятда 92 нафар кекса авлод вакиллари I, II, III даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан таъминланди. Ҳудудлардаги Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари ва «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари аъзолари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган 1126 та ўқув

машғулоти ташкил этилди. «Бир нуроний ўн ёшга масъул» кўрик-танловининг вилоят, туман ва шаҳар босқичлари ўтказилди ҳамда ғолиблар муносиб тақдирланди.

Асосийси, кексаларимизнинг саломатлиги масалалари эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. «Саломатлик учун беш минг қадам» шиори остида 1126 та маҳаллада кексалар иштирокида пиёда юриш тадбирларида 58 мингдан ортиқ аҳоли иштирок этди. Бу борада вилоят телевидениеси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Нуронийлар иштирокидаги «Оталар чойхонаси», «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи», «Маҳаллада гурунг» каби телекўрсатувлар мунтазам эфирга узатиб бориляпти. Нуронийлар томонидан савдо шохобчаларида, дехқон бозорларида нарх-наволарни барқарорлигини таъминлаш бўйича 150 дан ортиқ жамоатчилик назорати ўтказилди.

Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари томонидан ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича 819 маротаба, маҳаллалардаги «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ва «Бувижонлар мактаби» кенгашлари томонидан 1265 маротаба тарғибот тадбирлари ўтказилди. 316 та нотинч оила

яраштирилди, 61 нафар вояга етмаганлар профилактик ҳисобдан чиқарилди, спиртли ичимликка ружу қўйган 219 нафар шахснинг бундай иллатдан халос бўлишига эришилди.

Зиёрат ва саёҳат сафарлари, сўлим оромгоҳларда дам олдириш тадбирларига 11623 нафар нуроний жалб этилди. 5491 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, жумладан, 119 нафар яққа-ёлғиз, ёлғиз яшайдиган кекса санаторийларда соғломлаштирилди. 112428 нафар нуроний бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. 1093 нафар фуқарога ногиронлар аравачаси, 685 нафарига эшитиш мосламаси, 1421 нафарига ҳасса, 529 нафарига кўзойнак, 2421 нафарига бошқа реабилитация воситалари топширилган.

Нуронийларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида 652 нафар 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган, 231 нафар ёлғиз кекса хонадониди хайрия ҳашарлари ташкил этилиб, 127 нафарининг хонадони таъмирлаб берилди. «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 1191 нафар фарзандига суннат тўйлар ўтказилди. 13 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва 512 нафар меҳнат фронти орти қатнашчиси, 1566 нафар ёлғиз кекса ва 2130 нафар ногиронга 6,75 млрд. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Албатта, уюштирилган ана шундай тадбирлар натижасида қанчадан-қанча инсонларнинг кўнгли кўтарилди, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга ишончи ортди. Тўғри, барча ҳаракатлар салмоғи, юртимизда кечаётган ўзгаришлар нафасини биргина мақолада ифода этиб бўлмайди. Аммо шу нарса аниқки, эл-юрт манфаати ва халқни рози қилиш йўлида белни маҳкам боғлаб, астойдил ишлашда давом этаверамиз.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ТОПИЛМАЛАР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛИШИ ШАРТ

Йўқолган нарсани топиб олган шахс уни йўқотган шахсни, ашё эгасини ёки уни олиш ҳуқуқи бўлган бошқа шахсни дарҳол хабардор этиши ҳамда қайтариши шарт.

Ашё бинода ёки транспортда топилганда, у шу бинонинг ёки транспортнинг эгасига топширилади.

Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Топилган ашё қайтариладиган шахс номаълум бўлса, ашёни топиб олган шахс ички ишлар органига, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

ЖАРАЁН

Маҳалла чинакам ислоҳотлар майдонига айланди

САЙЛАНГАН РАИСЛАР БУГУН АСТОЙДИЛ, ЕНГ ШИМАРИБ ИШГА КИРИШГАН. ҲЕЧ БИР СОҲА, ҲЕЧ ҚАЙСИ ЖИҲАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЯПТИ



Маҳалла жамиятнинг кичик бўғини сифатида барча инсоний фазилатларни шакллантириш, оилаларда тинчлик-тотувликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бугун Сирдарё вилояти маҳаллалари янги ишлаш асосида халқ билан яқинлашиб, чинакам ислоҳотчига айланмоқда. Вилоятимизда 236 та фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, шундан 4 таси қишлоқ фуқаролар йиғини ҳисобланади.

Май ойида бўлиб ўтган сайловларда барча маҳаллаларда раислар саралаб олинди. Сайлов жараёнлари якунида 18 ёшдан ошган овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 512 117 нафар фуқародан 61 569 нафари вакил этиб сайланиб, уларнинг 46 098 нафари сайловда қатнашди. Сайланган раислар бугун астойдил, енг шимариб ишга киришган. Ҳеч бир соҳа, ҳеч қайси жиҳат эътибордан четда қолмаяпти.

Кексалар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш борасида «Ҳар бир нуруний – ўн нафар ёшга мураббий» лойиҳаси доирасида 701 нафар кекса авлод вакилига 3 887 нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар бириктирилди. Шундан 1 576 нафари қизлар, 2 311 нафари йигитлардир. Сўхбатлар асосида 3 823 та муаммо рўйхатга олинган бўлиб, шундан 2 862 таси ижобий ҳал этилди.

Қолаверса, нурунийларга ҳар таомналама ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида 254 нафар кекса авлод вакиллари учун сихатгоҳларга бепул йўлланмалар ажратилди. 500 нафардан ортиғи мамлакатимизнинг

турли тарихий қадамжоларига саёхатга олиб борилди. Уларга 21 та ногиронлик аравачаси, 12 та қўлтиқ таёқ, 23 та эшитиш мосламаси тарқатилди.

Маълумки, маҳаллаларда жамоатчилик назоратининг тўғри ташкил этилиши қонунлар ижросини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Шу маънода 236 та маҳаллада «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия»лар тузилди. Ўтган давр мобайнида ҳудудларда жами 77 та — аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишга оид норматив ҳужжатлар ижроси бўйича 5 та, электр энергияси таъминоти бўйича 7 та, газ таъминоти бўйича 3 та, сув таъминоти бўйича 12 та, йўл инфратузилмаси бўйича 11 та, таълим тизими бўйича 7 та, соғлиқни сақлаш тизими бўйича 4 та, бошқа ижтимоий масалалар бўйича 28 та объектда жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Уларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун давлат органларига 67 та мурожаат ва сўровлар юборилди. Шунингдек, 6

маротаба жамоатчилик муҳокамаси амалга оширилди. Бундан ташқари, 2022 йилги манзилли дастурга киритилган 22 та маҳаллада олиб борилаётган ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жамоатчилик назоратидан четда қолмади.

Маҳаллаларда фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторларининг ҳисоботлари эшитилган бўлиб, унга кўра, юқори турувчи ташкилотларга жами 42 та рағбатлантириш бўйича тавсиянома киритилган. Шунингдек, жорий йилнинг 1 ярим йиллиги давомида маҳалла раислари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига жами 41 та тақдимнома киритилди.

Шунингдек, маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. «Миллий қадриятлар ойлиги» доирасида ташкил этилган 300 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирларда 10 мингдан ортиқ аҳоли вакиллари иштирок этди. Бундан ташқари, ойлик доирасида 1000 нафардан ортиқ вояга етмаган қизлар иштирокида «Миллий каштачилик», Миллий ва замонавий либослар дизайнлари, «Ўзбегим дўпписи — қизларимиз кўркидир» мавзуларида кўргазмали тадбирлар ўтказилди.

Шу билан бирга, «Инсон қадрлари учун» мавзусида ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол теннис, армреслинг турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ёш китобхон», «Китобхон оила», «Энг яхши иншо» танловлари ҳамда «Адабиёт ҳафталиги» ташкил этилди.

«Футболимиз келажаги» спорт мусобақасида 2 223 нафар, «Маҳалламиз паҳлавонлари» спорт мусобақасида 145 та маҳалладан 563 нафар, волейбол бўйича 14-16 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасида «Маҳалла кубоги» мусобақасида 161 та маҳалладан 2 021 нафар ёшлар иштирок этди.

Маҳаллаларда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда меҳнат миграциясини олдини олиш мақсадида 144 та тадбиркорлик субъекти очилиб, 1 100 та янги иш ўринлари яратилишига қўмаклашилди.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш юзасида «Нурунийлар – ҳаёт йўлларига таянчимиз ва суянчимиз», «Кексаларимиз — фаخرимиз», «Хотира муқаддас — инсон қадр азизи», «Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч», «Уч авлод учрашуви» мавзуларида давра сўхбатлари ўтказилиб, мазкур тадбирларда зиёлилар, имом-хатиблар, ёшлар ва ёши улуг фуқаролар жалб қилинди. Маҳаллалардаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», ва «Темир дафтар»га киритилган 1000 дан ортиқ оилалар вакиллари «Маърифат тур» лойиҳаси доирасида қадимий обидалар, қадамжолар ва диққатга сазовор жойларга саёхат қилишди.

Сардоба туманида «Қозоқ» ва «Турк» миллий маданияти маркази вакиллари билан биргаликда 120 та ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган кекса авлод вакиллари ҳолидан хабар олинди. Вилоятдаги барча маҳаллаларда «Обод кўча» ва «Обод хонадон» тамойили асосида кўргазмали семинарлар ташкил этиляпти.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун маҳаллаларда ўз аксини топмоқда.



Ўлмасжон МАМАДАМИНОВ, Сирдарё вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ЯНГИ ҲАЁТ»ДА ЎЗГАРИШЛАР КАТТА

Оқ олтин туманининг «Янги ҳаёт» маҳалласида «Обод кўча» ва «Обод хонадон» тамойили асосида кўргазмали семинар ташкил этилди.

Семинарда вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ў.Мамадаминов, бошқарма бошлиғи ўринбосари Ў.Абдиев, туман ҳокими, сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари, тумандаги ташкилот раҳбарлари ҳамда нуруний отахон-онахонлар иштирок этди.

Маҳалланинг Булоқбоши кўчаси «Обод кўча» деб топилиб, семинар иштирокчилари мазкур кўчадаги «Обод хонадон»ларда аҳоли

турмуш тарзи билан танишди.

Булоқбоши кўчаси 9-2 хонадонда яшовчи Эгамбердиевлар хонадони «Обод ва файзли хонадон» дея эътироф этилди. Томорқадан самарали фойдаланиб келаётган хонадон соҳиблари 2 сотихли иссиқхонасида булғор қалампери етиштириб, бир мавсумни ўзида 7-8 млн. сўм даромад олмоқда. Бундан ташқари, 4 бош наслик чорва, 20 бош қўй боқиб, оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйган.

Х.АБДУРАҲМОНОВ.

МЕЗОН



Тадбиркорликни ҳар бир ривожлантириш маҳаллада концепцияси бўлади

Вазирлар Маҳкамаси Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича намунавий концепция ҳамда уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлади.

Концепциянинг асосий мақсади ҳоким ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, маҳаллаларнинг «ўқиш нуқталари» ва «драйвер» лойиҳаларни аниқлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш, маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорликни ривожлантириш, «маҳаллабай» ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартиришдан иборат. Шунингдек, ҳар бир маҳалла инфратузилмасини шакллантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, давлат тасарруфидаги инфратузилма объектлари, ер участкалари, бўш турган объектлардан ДХШ асосида самарали фойдаланиш, «Темир

дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига жалб этиш бўйича манзилли кўмаклашиш муҳим вазифалар қаторида қайд этилган. Концепция ҳар йили январь ойида, жорий йилда, истисно тариқасида, сентябрь ойида ҳоким ёрдамчиси томонидан ишлаб чиқилади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳар томонлама муҳокама қилинади ҳамда тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимига киритилади. Ҳоким ёрдамчилари тасдиқланган концепциянинг ижроси юзасидан ҳар ойда — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинларида, ҳар чоракда

— тегишли туман (шаҳар) ҳокимига ҳамда йил якуни бўйича — халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади. Ҳўш, бундан қандай натижа ва самара кутилмоқда? Аввало, ҳоким ёрдамчилари фаолияти самарадорлиги янада ошади, «маҳаллабай» ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари янада такомиллашади. Йўналишда давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳоким ёрдамчиларининг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилади. Ҳар бир маҳаллада аҳоли бандлик даражаси, оилалар даромад манбаи, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолати кабиларни таҳлил қилиш имконияти яратилади. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолияти янада такомиллашади. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар тезкорлик билан ҳал этилади. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш ўринли. Яъни бу қарор

ижроси бюрократия ва қоғозбозликка айланиб кетмаслиги лозим. Чунки қарор билан масъулларга жуда кўп вазифалар юкланмоқда. Хусусан, бир қатор статистик ҳисоботлар, масалан, «ўқиш нуқталари»ни аниқлаш ва тадбиркорликни, шу жумладан, «драйвер» лойиҳаларни амалга оширишда ташаббусларга кўмаклашиш, шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш йўналишда маҳаллалардаги хонадонлар, оилалар, аҳоли сони, ёш, гендер таркиби, банд бўлганлар ва ишсизлар сони, мутахассисликлари, касб малакаси, маҳалла фаоллари каби ўнлаб вазифаларни бажариш ва маҳалланинг паспортини ишлаб чиқишда иштирок этади. Эки маҳаллани ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш, маҳаллалар ихтисослашувини аниқлаш, «драйвер» лойиҳалар рўйхатини шакллантириш, «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш кабиларни бажаришга биргина ҳоким ёрдамчиси жисмонан улгура олармикан? Аслида, юқорида санаганимиз

фақатгина бир йўналишдаги вазифалар. Бунга қўшимча тарзда яна учта йўналишда ҳоким ёрдамчиларига 15 та пунктда вазифалар юкланган. Қолаверса, қарорда концепциянинг тасдиқланиши тушунарсиз ифодаланган. Яъни у ҳоким ёрдамчилари томонидан ишлаб чиқирилиши, тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимига киритилиши белгиланган бўлса-да, намунавий концепциянинг ҳокимларнинг биринчи ўринбасари томонидан тасдиқланиши қайд этилган. 4-бобда яна ҳокимлар томонидан тасдиқланиши ташкил этилади, дейилган. Бизнинг-ча, бу масалани аниқлаштириш лозим. Ўзи концепцияни ким тасдиқлайди? Хулоса қилиб айтганда, бу қарор ва намунавий концепция ҳоким ёрдамчиларига ишлаш учун янада қулайлик яратишни кўзлаган экан, унинг ижроси намунали тарзда бажарилиши керак.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ СЎХ МАҲАЛЛАЛАРИДА БЎЛДИ

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ва сектор раҳбарлари Сўх туманидаги ўрганишлар жараёнида давлат-хусусий шериклик асосида қуриб фойдаланишга топширилган «Тул» маҳалла фуқаролар йиғини биносининг очилиш маросимида иштирок этди.



1 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, барпо этилган бинода савдо дўконлари ҳамда ўқув маркази ташкил этилиб, маҳаллий ёшлар бандлиги таъминланган. Шунингдек, вилоят ҳокими «Истиқлол» маҳалласи ҳудудида 4,9 гектар майдонда барпо этилаётган, лойиҳа қиймати 29 миллиард сўм бўлган замонавий болалар оромгоҳи қурилиши, «Жавпая» массивида ўзлаштирилаётган майдонларда иссиқхоналар қурилиши жараёнларини кўздан кечирди. Шу ерда ҳудуддан ер майдони олган фуқаролар ҳамда ҳокимнинг маҳалладаги ёрдамчилари билан мулоқот қилинди.

«Жавпая» массивида бугунги кунгача жами ўзлаштириш режалаштирилган 1000 гектар майдоннинг дастлабки 80 гектарида 141 та иссиқхона учун ер майдонлари ажратилган бўлиб, 93 тасида қурилиш ишларига киришилган. Аҳолига иссиқхона учун имтиёзли кредит тақдим этилган. 20 дан зиёд 10 сотихли иссиқхоналарда қурилиш ишлари якунланиб, лимон кўчатлари ўтқазилди, ораларига помидор, бодринг, қалампир ва карам экинлари экилди. 20 та эҳтиёжманд оилага эса иссиқхоналар бепул барпо этилмоқда.

Мухбиримиз.

ТҮЙГА ТҮЁНА

Маҳаллага кўркам бинолар ярашади

Йиллар давомида ижарама-ижара сарсон юрган, қайсидир ташкилотнинг зах ва кўримсиз хонасида фаолият юритишга мажбур бўлган маҳалла ходимлари бугун кўркам биноларда замонавий ва ҳавас қиладиган даражада ишлашга лойиқ, албатта



Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб қатта байрам руҳи ҳукмрон. «Тўйга тўёна» деганларидек, «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» шиори остида қаршиланаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан жойларда турли ижтимоий объектлар — тураржойлар, таълим муассасалари, маҳалла бинолари фойдаланишга топширилмоқда.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.

Маҳалла ходимларига қўлай шарт-шароитлар яратиш, йиғинлар моддий-техник базасини яхшилаш борасида Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, йил бошида йиғинлар ҳолати таҳлил қилинганда, мавжуд 1 126 маҳалланинг 86 таси ўз биносига эга эмаслиги, 40 та маҳалла бир хонали, 171 та маҳалла икки хонали бинода фаолият олиб бораётгани қайд этилганди.

Шу асосда маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлик ёрдамлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида йил давомида вилоят бўйича 194 та маҳалла учун янги бино қуришга қарор қилинди. Эътиборлиси, йил бошидан бугунги кунга қадар 121 та маҳалла биноси фойдаланишга топширилди.

— Август ойининг ўзида, Мустақиллик байрами муносабати билан 31 та янги маҳалла бинолари очилмоқда, — дейди Самарқанд вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов. — Бу, албатта, фуқаролар йиғини ва маҳалла аҳолиси учун катта қўлайлик яратади. Намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган бинолар зарур мебель, компьютер жиҳозлари ва бошқа воситалар билан таъминланган. Маҳалла ходимларининг ҳар бирига алоҳида хоналар ажратилаётгани уларнинг иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Биргина Нуробод туманида маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағи ҳисобидан «Булоқбоши», «Кўрғонча» ва «Юксалиш» маҳаллалари учун ҳар томонлама қўлай бўлган бинолар қурилди. Жумладан, маҳаллий бюджетнинг 120 миллион сўмлик маблағлари,

ҳомийлар ёрдами ва ҳашар йўли билан бунёд этилган «Юксалиш» маҳалласи марказида худудда яшовчи 6 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатиш учун қўлай шарт-шароит яратилди.

Йил охирига қадар вилоятда яна эллиқдан зиёд маҳалла биноларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Байрам арафасида вилоятда 25 та маҳалла биноси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Қарши шаҳридаги «Ғафур Фулом», «Эски шаҳар», «Мустақиллик» йиғинлари шу вақтга қадар ўз биносига эга эмас эди. Янги биноларда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ҳозирланиб, барча зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Худди шундай, Миришкор туманининг олис чегара худудида жойлашган «Тинчлик» маҳалласининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 2,5 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалланинг аввалги биноси маънан эски, таъмирталаб ҳолатга келиб қолганди. Байрам арафасида 265 миллион сўм эвазига янги бино қуриб берилди.

— Аввалги бино аҳоли билан ишлашда айрим

ноқулайликлар туғдирарди, — дейди маҳалла раиси Элмурод Ёмғиров. — Ўз дарди билан маҳаллага келган киши идоранинг аҳволини кўриб, ачингани ҳам бор гап. Мана, қисқа фурсатда барча шароитларга эга янги бино қуриб берилди. Энди одамлар билан ишлаш самарадорлиги янада ортади. Қўлайликдан маҳалла аҳли ҳам мамнун.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Жондор туманидаги «Шўробод» маҳалласининг янги биносини фойдаланишга топшириш маросими катта тантананага айланиб кетди. Унда вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи А.Фулумов, мутасадди ташкилот раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди. 2 242 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалланинг янги биносида барча шароитлар яратилди.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилган «Робатак» маҳалласи биносида маънавият ва маърифат, кутубхона, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори ва хотин-қизлар фаоли учун алоҳида хоналар мавжуд. Бундан ташқари, маҳалла биносида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида Ҳуқуқ тартибот маскани ҳам ўз ишини бошлади. Мазкур масканда ҳудудий профилактика инспектори, шу билан бирга, суриштирувчи, патруль-пост хизмати ва Миллий гвардия ходимлари учун алоҳида хоналар ажратилган.



РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Қўшиқ айтиш жаримага сабаб бўлади

Қонунчиликка кўра, тунги вақтда — соат 23.00 дан 06.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни:

- баланд овоз билан қўшиқ айтиш;
- муסיқа чалиш;
- товуш сигналлари бериш;
- хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшиклариди, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратлардан фойдаланиш;
- тураржой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш — фуқароларга 100 минг сўм, мансабдор шахсларга эса 150 минг сўмгача жарима солишга сабаб бўлади.

Умуман олганда, нафақат байрам арафасида, балки йил давомида маҳалла ходимларининг самарали фаолият юритиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу орқали йиллар давомида ижарама-ижара сарсон юрган, қайсидир ташкилотнинг зах ва кўримсиз хонасида фаолият юритишга мажбур бўлган маҳалла ходимлари дардига малҳам топилмоқда. Тўғри-да, маҳалланинг обрў-эътибори ошиб, функционал фаолияти янгиланаётган бир шароитда унинг биноси ҳам кўркам, замонавий ва ҳавас қиладиган даражада бўлиши лозим. Шундагина одамлар ўз ташвиши билан бемалол келиши, фаоллар улар билан бамаслаҳат иш юритиши мумкин бўлади.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ!

1 сентябрдан нималар ўзгаради?

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон қонунчилигида рўй берадиган айрим ўзгаришларни эслатиб ўтамыз



Ишловчи аёлларга туғиш нафақаси тўланади

Президент фармони билан бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмом харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланади. Бунда ходимнинг иш стажига 1 ойгача бўлган танафуслар мавжуд бўлса, ушбу танафуслардан олдинги ва кейинги ойлар кетма-кет иш стажини ҳисоблашда қўлланилади. Келгусида давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича бериладиган нафақалар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали босқичма-босқич тўланади.



3 ёшга тўлмаган бола боғчага бориши мумкин

Оилавий нодавлат боғчаларда қатнаётган ижтимоий қўмакка муҳтож оилалар фарзандлари ва махсус контингентлар сони тарбияланувчилар сонининг 70 фоизидан кам бўлганда, етмаган қисмига бошқа оилаларнинг болаларини қабул қилишга рухсат этилади. Тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчи лавозимлари учун 4,5 тагача штат бирлигини ажратишга рухсат этилади. Уларга бюджетдан иш ҳақини қоплаш учун субсидия тўғридан-тўғри пластик картасига ўтказиб берилади. Давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган боғчаларда, оилавий боғчаларда бюджетдан тўланадиган субсидия ва компенсацияларни ҳисоблашда 3 ёш ва ундан катта ёшдаги, лекин 7 йил 8 ойдан катта бўлмаган ёшдаги тарбияланувчилар ҳисобга олинади. Ота-оналар тўлови миқдорини мустақил равишда белгилаб 3 ёшга тўлмаган болаларни ҳам қабул қилишга рухсат этилади.




Оилавий болалар уйи учун ҳоким қарори шарт эмас

Президент қарори билан оилавий болалар уйлари етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга олишни истаган фуқаролар томонидан юридик шахс мақомисиз тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида ташкил этилади. Оилавий болалар уйидаги тарбияланувчилар сони камида 3 нафарни, лекин кўпи билан 5 нафарни ташкил қилиши лозим. Бунда, оилавий болалар уйини ташкил қилган фуқароларнинг ўз фарзандлари ҳамда тарбияланувчиларнинг умумий сони 8 нафардан ошмаслиги керак. Оилавий болалар уйлари тутинган ота-оналарни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатган фуқаролар томонидан ташкил қилишга рухсат этилади. Бундай фуқароларга ҳар бир тарбияланувчининг яшаш харажатлари учун Давлат бюджетидан тегишли миқдорда ҳар ойлик маблағ ажратилади.

Ишончнома электрон текширилади

Президент қарорига биноан, енгил автотранспорт воситаларида йўловчи ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилади. Автотранспортни бошқариш учун ишончномаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали электрон расмийлаштириш йўлга қўйилади. Электрон ишончномани нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди ва у ИПХ ходимлари томонидан электрон текширилади. Электрон ишончнома учун давлат божи ишончномани нотариал тасдиқлаш учун белгиланган давлат божига (БҲМнинг 3 баравари – 900 минг сўмга) нисбатан қўйидаги фоизларда ундирилади:

- бир ойгача бўлган муддатга – 10 фоиз (90 минг сўм);
- олти ойгача бўлган муддатга – 50 фоиз (450 минг сўм);
- уч йилгача бўлган муддатга – 100 фоиз (900 минг сўм).





Техник кўрик мажбурий бўлмайди

Президент қарорига асосан, жисмоний шахсларга тегишли ишлаб чиқарилганига 10 йилгача бўлган енгил автотототранспортлар техник кўриқдан иктиёрий равишда ўтказилади. Енгил автотототранспортлар қўйидаги муддатларда мажбурий техник кўриқдан ўтказилади:

- ишлаб чиқарилганига 11 йилдан 14 йилгача бўлган енгил автотототранспортлар – 2 йилда бир марта;
- ишлаб чиқарилганига 15 йил ва ундан ортиқ бўлган енгил автотототранспортлар – 1 йилда бир марта.

Бунда мазкур муддатлар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолиятида фойдаланиладиган енгил автотототранспортлар учун татбиқ этилмайди. Шунингдек, автомобилнинг эгаси ёки давлат рақами ўзгарганда, «тонировка» рухсатномаси амал қилишда давом этади.



«Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети» берилади

Президент қарорига кўра, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети» маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан биринчи навбатда туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари ҳисобидан, етишмаган қисми бўйича эса — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн баравари миқдориде берилади. Идоралараро комиссиялар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг тadbirkorлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишлардаги аниқ лойиҳаларини ўрганиб чиқиш ва молиялаштириш бўйича асосланган хулосаларни тайёрлашга масъул ҳисобланади. «Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тартиб-таомиллари Молия вазирлигининг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали очик ва шаффоф тарзда амалга оширилади.



Туризм харажатларининг бир қисми қайтарилади

Президент фармонида асосан, маҳаллий туристлар учун «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисмини қайтариш («Cashback») тартиби жорий этилади. Саёҳат харажатларини қайтариш ички саёҳатларни режалаштириш ва маблағларни қайтариш ҳамда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида тақдим қилинадиган чегирмалар, тайёр туристик пакетларни мустақил шаклантиришни назарда тутувчи электрон платформа, шу жумладан, унинг мобиль иловаси орқали амалга оширилади.

Тиббиёт тизими раҳбари маҳаллада ҳисобот беради

Президент қарорига асосан, тиббиёт тизими раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериш тартиби жорий қилинади. Бунда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси, оилавий поликлиникалар ҳамда оилавий шифокор пунктлари мудирилари — маҳалла фуқаролар йиғинларида, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари — халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида; вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари — халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ҳисобот беради.



- Шунингдек:**
- ☑ Шифокорларнинг яқка тартибда оилавий шифокорлик фаолиятини юритишга рухсат берилади;
 - ☑ Қорақалпоғистон ҳудудида 16 та оилавий шифокор пунктлари ташкил этилади;
 - ☑ Меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларининг реестри жорий этилади;
 - ☑ Бир қатор нодавлат ташкилотларга «Электрон ҳукумат» тизими орқали маълумотлар олиш имконияти яратилади;
 - ☑ Болаларга йўл ҳаракати интизоми ўргатилади;
 - ☑ Барча туман (шаҳар)лар кесимида намунали мактаблар рейтинг шакллантиради ва эълон қилиб борилади;
 - ☑ Дорихона сотув зали пештахталарининг камида 10 фоизига доривор ўсимликлардан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар ва дори воситаларини жойлаштириш талаби қўйилади;
 - ☑ Сейсмик фаол зоналарда янги қурилиши режалаштирилаётган объектларга зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартиби жорий этилади;
 - ☑ Журналистларнинг хорижий тилларни ўрганиши рағбатлантирилади;
 - ☑ Автомактаблар рейтинг юритилади.

КЎЗГУ

**ҲОЗИР МАКТАБЛАРДА АКСАРИЯТ
ЎҚУВЧИЛАР УЙИДАН
ОВҚАТ ОЛИБ КЕЛАДИ. ЎЗИГА ТЎҚ
ОИЛА БОЛАСИ, ТАБИЙКИ,
ЗЎР ТАОМ, ОДДИЙРОҚ ОИЛА
ФАРЗАНДИ ЭСА ОДДИЙРОҚ ОВҚАТ...**

Бепул тушлик ижтимоий тенгликни таъминлайди



Маълумки, Давлат дастурига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба тариқасида бошланғич синф ўқувчиларига бюджет ҳисобидан бепул овқат билан таъминлаш тизими жорий этилган. Халқ таълим вазирлиги маълумотига кўра, 2022 йил 7 февралдан мазкур тизим ишга туширилиб, ҳар икки ҳудуддаги мактаб ўқувчиларига кейтеринг усулида бепул овқат етказиб бериш бошланган. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 200 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Кейтеринг усулида овқатланишни ташкил этишда, аввало, болалар кунлик рационидан талаб қилинадиган 470-500 Ккалорияга эга бўлган овқат, табиий сок ва мева маҳсулотлари билан таъминланади. Бунда иккала ҳудуддаги барча бошланғич синф ўқувчиларига бир марталик овқатлар етказиб берилди, овқатланиш синф хоналарининг ўзида ташкил этилди. Бу орқали ошхона ёки буфети йўқ мактаблар ҳамда олис ҳудуддаги муассасаларга борадиган ўқувчиларга анчагина қулайлик яратилди.

Кун кеча, аниқроғи, 2022 йил 25 августда айти тизимни янада такомиллаштиришга бўйича Ҳукумат қарори қабул қилинди. «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, юқоридаги ҳудудлардаги мактабларда соғлом овқатлантириш тизимини кейтеринг усулида ташкил этишга оид Низом тасдиқланди.

Низомда кейтеринг усулида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар танловини ўтказиш, ҳисоб-китоб қилиш, таомлар устидан назорат қилиш тартиби белгиланган. **Хусусан, ўқувчилар мактабда бир кунда бир маҳал овқатлантирилади.** Овқатларни назорат қилиш учун мактабларда **5 кишилик (директор, ҳамшира ва ота-оналар вакиллари) махсус комиссия** тuzилади. Кундалик таомноманинг рўйхати «kundalik.com» платформаси орқали юритилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН: кейтеринг – ҳудудларда масофавий усулда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш орқали овқатланишни шартнома асосида ташкил этиш, овқатларни тайёрлаш, етказиб бериш ва тайёр пазандачилик маҳсулотларининг чакана савдосини амалга ошириш хизматларини кўрсатиш.

МАКТАБ ОШХОНАЛАРИ... ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Юқоридаги тажрибани яқин йилларда бутун республика бўйлаб амалиётга жорий этиш кўзланган. Ҳўш, бунга тизим тайёрми? Унинг фойдали жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

Фарзандининг мактабда яхши билим олиши қанчалик муҳим бўлса, унинг сифатли овқатланиши ва саломатлиги ота-она учун шунчалик аҳамиятга эга. Бунинг учун, энг аввало, мактаб ошхонаси барча талабга жавоб берадиган, замонавий ва қулай шарт-шароитга эга бўлиши керак.

Афсуски, маълумотларга кўра, юртимиздаги 2 мингдан зиёд мактабда ошхона йўқ, қолган мактабларнинг 60 фоизидида мавжуд ошхона талаб даражасида эмас. Ўқувчилар сонининг кўпайиши, синф хоналари, бинолар етарли эмаслиги сабабли мактабларда ошхоналар фаолият юритиши учун жой етишмаяпти. Бундан ташқари, бунда мактаб раҳбариятининг эътиборсизлиги, ошхона эгаларининг даромадсиз қолиши каби омиллар бор. Албатта, мактаблар ошхона ёки буфетлардан моддий манфаатдор бўлмаслиги мумкин, аммо ўқувчилар соғлиғи,

етарли ва тўғри овқатланиши долзарб масала.

«Миллий тикланиш» демократик партияси раҳбари Алишер Қодировнинг фикрича, агар биз болаларнинг энг кучли физиологик депрессив ҳолати мактаб даврида юзага келишини инobatга олсак, мактабларда жиноятнинг ёшариб бораётгани, ўқитувчиларга нисбатан болаларнинг муносабати кескинлашиб кетаётгани сабабларини, албатта, уларнинг овқатланишидан излашимиз керак. Кўшни давлатларда ўқувчиларни мактабда бепул овқатлантириш масаласи кўтарилган, лекин биз бугун, афсуски, мактабларда ошхоналар қуриш ҳақида гаплашяпмиз. Шу боис фақат мактаб қуриш ва таъмирлаш эмас, бу жараёнда ошхоналар қуриш ва таъмирлаш ҳақида ҳам ўйлашимиз керак.

ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Айтиш жоизки, бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш тизими Ўзбекистон учун янгилик эмас. 1991-1993 йилларда мактабларда бешинчи синфгача ўқувчиларга бепул нонушта берилган, талабалар ошхоналарида арзонлаштирилган емаклар ташкил этилган. Бироқ кейинчалик Ўзбекистон катта демографик ўсишга эга ва аҳолининг йирик қисми ёшлардан иборат бўлган мамлакат сифатида бошланғич синфларда бепул овқатланиш тизимини йўлга қўйиш мушкул экани айтиб келинган. **Бироқ ҳозирги имкониятимиз 25-30 йил олдингидан анча фарқ қилади.**

Аввалги тизимнинг афзал томони, болалар учун бир хил шароит ва имконият яратилганди. Егуликлар сифатини назорат қилиш мумкин бўларди. Қолаверса, бу қўли калтароқ оилалар учун ҳам бир ёрдам эди. **Ижтимоий тенглик таъминланарди.** Ҳозир мактабларда аксарият ўқувчилар уйдан овқат олиб келади. Ўзига тўқ оила боласи, табиийки, зўр таом, оддийроқ оила фарзанди эса оддийроқ овқат... Кейин бир стол атрофида овқатланишади. Камбағалнинг боласи бойнинг боласи еяётган овқатни кўриб, ичидан ўксинмайди дейсизми? **Бу билан мактабданок табақаланишга йўл очмаяпмизми?**

Бошқа тарафи ҳам бор. Уйдан егулик келтирмайдиган болалар буфетдан булочка, сомса, яна алламбалолар сотиб олишади. Гарчи таълим мутасаддилари буфет ва ошхоналар доимий назоратда дейишса-да, хали сифат масаласи талаб даражасига чиқди, деб айтмаймиз. Боз устига, бугун сотилмай қолиб кетган маҳсулотлар эртага яна сотилмаслигига ким кафолат бера олади? Қисқаси, шунинг учун бир хил таъминотга эҳтиёж катта бугун.

БОҒЧАДАГИ ҲОЛАТЛАР ТАКРОРЛАНМАЙДИМИ?

Очиғини айтганда, шу пайтгача бирорта мактабда текин тушлик у ёқда турсин, ўқувчиларни арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам бирламчи муаммо бўлиб келган. Агар текин тушлик масаласига жиддий ва масъулият билан ёндашилмаса, айти пайтда боғчаларда қузатилаётган захарланишлар энди мактабларга ҳам ўтиши мумкин. Бироқ Қорақалпоғистон ва Хоразмда бу тажриба муваффақиятли амалга ошса, бошланғич синф ўқувчиларининг дарсга қатнашиш фаолияти кескин ошиши мумкин. **Ҳар ҳолда болалар тушликка нима ейиш ғамидан қутулишади.**

Яна бир жиҳат: бугун Ўзбекистон бўйлаб дарслар икки сменада ташкил этилган. Аксарият мактабларда шариот шундай. Бу ўринда **иккинчи сменадаги бошланғич синф ўқувчиларига текин тушлик масаласи қандай ечилади?** Зеро, юқоридаги Низомда мактабларда овқатланиш фақат бир марта ташкил этилиши айтилган. Тажриба давомида ушбу масалага ечим топилса, ажаб эмас.

Умид қиламизки, бу ташаббус ҳар жиҳатдан пухта ўйланиб, иқтисодийимиз ривожланиб, молиявий имкониятларимиз кенгайиши ҳисобида босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиб борилади. Чунки фарзандларимизнинг соғлом, баркамол, ақлан ва жисмонан етуқ бўлиб улғайиши учун ажратиладиган ҳар қандай маблағ, бу — мамлакат, миллат келажиги, унинг равнақи учун йўналтирилган энг яхши сармоядир.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ТИББИЁТ СОҲАСИДА КИМЛАРГА ИМТИЁЗ БОР?

Тиббиёт соҳасида ногиронлиги бўлган шахслар учун айрим имтиёзлар берилди. Жумладан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар:

- ☑ барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида **бепул даволанади;**
- ☑ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида **овқатланиш тўловидан озод қилинади;**
- ☑ вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида **бепул ёрдам олиш ҳуқуқига эга;**
- ☑ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларига **бепул йўлланмалар олиш ҳуқуқига эга.**

Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болалар хусусий тиббиёт муассасаларида (стоматология ва косметология хизматлари кўрсатувчи муассасалар бундан мустасно) **бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.**

МОҲИЯТ

Мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилмасдан ривожланиб бўлмайди!



Русланбек ДАВЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири.

«СНОС» ВА ШУ КАБИ МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ БОШҚА ЧАҚИРИҚЛАР ЖАМИЯТДА МАВЖУД ЭКАН, БИЗ ЎЗ МИССИЯМИЗНИ БАЖАРДИК, ДЕЙИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ. ДЕМАК, БУ БОРАДАГИ ҚАДАМЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ДАДИЛПРОҚ ДАВОМ ЭТТИРАВЕРАМИЗ

Хусусий мулк — иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи. Адлия тизими мулк ҳуқуқи масаласига алоҳида эътибор билан қарайди, уни ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қадрлайди.

«Мулк ҳуқуқи поймол этиляпти», деган ҳар бир хабарни биз жуда жиддий қабул қиламиз ва ваколатимиздан келиб чиқиб, бор ҳуқуқий механизмларни ишга солиб, ҳуқуқларни тиклашга саъй-ҳаракатларимизни сафарбар қиламиз. Бу йўналишни ўзимиз учун энг устувор вазифа сифатида белгилаб олганмиз. Шу муносабат билан яқинда мулк ҳуқуқи ҳимояси билан боғлиқ яна битта ҳуқуқий акцияга старт бердик.

Албатта, мулк ҳуқуқи йўналишида силлиқ ривожланишимиз, дея олмаймиз: «снос» ва шу каби мулк билан боғлиқ бошқа чақириқлар жамиятда мавжуд экан, **биз ўз миссиямизни бажардик, дейишга ҳаққимиз йўқ**. Демак, бу борадаги қадамларимизни янада дадилпроқ давом эттираверамиз.

Давлат раҳбари куни кеча тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида мулк ҳуқуқи муаммолари таҳлилига алоҳида йўналиш сифатида тўхталиб ўтиб, уни ҳимоя қилиш бўйича ўз ташаббусларини билдирди. Шу асосда ушбу ташаббусларни рўёбга чиқариш, мулк муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик ва хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини оширишга қаратилган «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармон билан халқимизнинг, тадбиркорларнинг ва ҳар бир инсоннинг ўз мулкига эркин эғалик қилиши ва ундан фойдаланишига тўсқинлик қилаётган кўплаб тартиблар, талаблар ва чекловлар бекор қилинди.

Жумладан:
1). Эндиликда мулкка бўлган ҳуқуқни қайсидир орган томонидан (простест асосида ҳам) олдин қабул қилинган ҳужжатни бекор қилиш орқали тугатиш мумкин эмас. Агар ҳужжат ноқонуний қабул қилинган бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин. *Охириги 2,5 йилда ҳокимларнинг қарорлари билан берилган 2,5 мингдан ошқ ер участкаларига (101 минг гектар) бўлган ҳуқуқлар уларнинг ўзи ёки юқори турувчи органлар томонидан, шу жумладан, прокурор протестлари асосида суд қарорисиз бекор бўлган.*

2). Бундан буён юридик шахс тугатилганда, унинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинмайди ва ер давлат захирасига қайтариб олинмайди. Ақсинча, ушбу ерлар тугатилаётган юридик шахс муассисларига ўтади.

3). Ердан ихтиёрий воз кечиш (айниқса, фермерлар томонидан) нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши

белгиланмоқда, бунда ҳоким томонидан қарор қабул қилиш талаби бекор қилинмоқда. *Сўнгги 2,5 йилда 20 543 та ер участкаси (2,6 млн. гектар) «ердан ихтиёрий воз кечилганлиги ҳақидаги ариза»га асосан қабул қилинган ҳоким қарори билан захирага қайтарилган.*

4). Мулкдор билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни тураржойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш талаб этилмайди. Охириги 2,5 йилда фуқаролик судларига шахсни тураржойдан рўйхатдан чиқариш бўйича 8 954 та даъво аризалари киритилган, шундан 7 311 таси (82 фоизи) қаноатлантирилган.

5). Кўчмас мулк бўйича давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида унга ишониб ҳаракат қилган шахсларга етказилган зарар (Торренс тизими) ҳамда тураржой инсофли эгалловчидан талаб қилиб олинмаслиги натижасида унинг ҳақиқий эгасига етказилган зарар қопланиши белгиланмоқда. Бу мақсадда махсус жамғарма фаолият юритади.

6). Ҳозирда 20 дан ортиқ давлат органлари судларда фуқароларга нисбатан мулк ҳуқуқларининг давлат бож тўлашдан озод қилинган. Эндиликда уларнинг сони қисқартирилиб, имтиёздан фойдаланган ҳолда етарли

асослар бўлмаса ҳам судларга даъволар киритиш ҳолатларига чек қўйилади. *Сўнгги 2,5 йилда давлат органлари томонидан киритилган даъволарнинг 42 фоизи рад қилинган ёки кўрмасдан қолдирилган. Фуқаролар эса ўз мулкни ўзганинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволари бўйича давлат божидан озод қилинади.*

7). Шахсга нафақат ўзининг ҳаётини, балки ўз мулкни ҳам ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилади (қонунда белгиланган чегарада). Шахснинг тергов давомида мулкни хатлаб қўйиш ҳам судлар ваколатига берилиши «Хабмас корпус» институтини янада кенг жорий этишга хизмат қилади.

Адлия вазирлигига юқорида келтирилган янги тартибларни назарда тутувчи «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Бу фармон устида узоқ муддат ишланди, 3 ой ишлаб чиқишга, 5 ой вазирликлар билан келишишга сарфланди. Чунки ундаги янгиликлар жуда жиддий. Ўйлашимизки, ушбу фармон мулк ҳуқуқини юксак қадрият сифатида давлат органлари тизимида тўлиқ рўёбга чиқаришга катта ҳисса қўшади ва мулк ҳуқуқларнинг давлат томонидан кафолатланишига бўлган ишончли мустаҳкамлайди.

БИЛАСИЗМИ?

ҲЕЧ КИМ ЎЗ МУЛКИДА СУД ҚАРОРИСИЗ МАҲРУМ ЭТИЛМАЙДИ



Президент фармони билан хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ҳолатлар белгилаб берилди. Шу жумладан, эндиликда хусусий мулк объекти ва у жойлашган ҳудудга мулкдорнинг рухсатсиз кириш учун жиноий жавобгарликка тортишга бўлган чоралар қўлланиши мумкин.

Қолаверса, қуйидаги ҳолатларда ҳам жиноий жавобгарликка тортишга чоралар қўлланилади:

- мулкка эркин эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишни чеклаш, тақиқ қўйиш, мулк ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни асоссиз рад этиш, **мулкдор ёки унинг мулк ҳуқуқларига таъсир ўтказиш;**
- мулкдорнинг хўжалик фаолиятига ёки мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинадиган ҳосил ва махсулотни реализация қилиш ҳамда **даромадларни тасарруф этишга аралашуш;**
- мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш, фойдаланишга бериш ёки **тасарруф этишга аралашуш**, бу тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

- мулкдорга унинг ихтиёрига зид тарзда мол-мулк билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ёки бошқа давлат ва жамоатчилик вазифаларини юклаш ёхуд **номақбул шартларни қўйиш;**
- мол-мулкдан мулкдорнинг розилигисиз ва **туғрилиқ ҳақ тўламасдан фойдаланиш;**
- мол-мулкка эғалик қилиш ва ундан фойдаланишга оид маълумотларни сўраш ёки бундай **маълумотларни мулкдорнинг рухсатсиз ишлатиш;**
- мулк ва мулк ҳуқуқлардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки мулкдорга улардан воз кечишга қаратилган **мажбурлов чоралар қўллаш**, таъйиқ ўтказиш ёхуд мол-мулкни тасарруф этишга доир асоссиз талабларни қўйиш.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

БОЛАЛАР
БОҒЧАДА ҚАНДАЙ
ТАОМЛАНАДИ?

Барча ота-оналар фарзандларининг соғлом бўлишини истайди. Аммо ўсаётган организмга биринчи навбатда нима кераклигини, ҳатто аксарият катталар ҳам билвермайди. Мутахассисларнинг фикрича, бола ҳар томонлама соғлом ва баркамол улғайиши учун биринчи галда унинг тўғри овқатланиши катта аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги кунда ярим тайёр ва кимёвий ишлов берилган маҳсулотлар бозор, дўкон расталарини тўлдириб юборган бир шароитда бу янада муҳим. Биз фарзандларимизни аллақачон ана шундай сунъий таъмлarga ўргатиб бўлганмиз.

БОҒЧАЛАРДА БОЛАЖОНЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ РАЦИОНИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ. ҲАР ИККИ КУНДА
МАКАРОН, БУЛОЧКА ЁКИ ШУНГА ЎХШАШ БЎШ УГЛЕВОДЛАРДАН ИБОРАТ ТАОМНОМА БЕРИЛАДИ

Ҳеч бўлмаганда, уларга бир кунда бир марта газланган ичимлик олиб беришни қанда қилмаймиз. Ҳаттоки, боғча ва мактабларимизнинг рационларида ўсаётган бола организми учун фақат зарар бўлган бўш углеводларга бой макарон маҳсулотлари, булочкалар, тез тайёр бўлувчи фаст-фудлар асосий ўрин эгаллаган. Хўш, мактаб ёшидаги болалар учун соғлом овқатланиш тарзи нималарни ўз ичига олади? Бунда қандай қоидаларга амал қилиш зарур?

«СЕН НИМА ЕСАНГ,
ШУСАН...»

— Энг аввало, мактаб ва боғча ёшидаги бола организми учун сабзавотлар таркибидаги клетчатка, мевалар таркибида мавжуд витаминлар ва макроэлементлар, гўшт маҳсулотларидаги оксил, балиқда жуда мўл бўлган фосфор, сут маҳсулотларида мавжуд кальций жуда зарур ҳисобланади, — дейди **шифокор Санобар Холматова**. — *Ўқувчи, боғча тарбияланувчисининг рационини бир меъёрга келтирилган ва зарур миқдордаги оксил, ёғлар, углеводлар, витаминлар ва аминокислоталарни ўз ичига олиши зарур. Нонуштага иссиқ таомлардан бўтқалар тавсия этилади. Шунингдек, сабзавотли ва мевали салатлар, сарийё*

ва пишлоқли нонлар, иссиқ чой, какао ва шарбатлар, наъматак, компот ва кисель бўлиши лозим. Қолаверса, иложи борича болага ҳар қандай ёшда ҳам иложи борича умуман шакар бермаслик тавсия қилинади. Унинг ўрнига сал нархи қимматроқ бўлса ҳам асалдан фойдаланиш керак. Агар сиз фарзандингиз соғлом ўсишини истасангиз, албатта, унинг рационини шакар миқдорини минимум бир кунда 40 грамдан ошмаслигига ҳаракат қилинг.

Тушликда биринчи таомга боланинг соғлом ўсиши учун зарур ҳисобланган суюқ шўрвалар (товуқ ва турли бошқа хил гўшти), иккинчи овқатга эса иссиқ қуюқ овқатлар (гуручли, гречихали, мошли, нўхат, ловияли ва сабзавотли овқатларга гўшти ва қиймалар қўшиб) тавсия этилади. Таомномага қўшимча равишда мевалар қўшилади. Аммо кузатувларимизда юртимиздаги аксарият боғчаларда бундай тартибга умуман амал қилинмайди. Ҳар икки кунда макарон, булочка ёки шунга ўхшаш бўш углеводлардан иборат таомнома берилади. Бундан ташқари, мевалар, хом сабзавотлар ушбу рациондан умуман жой олмаган.

Иккинчи тушлик нон ва сут маҳсулотларидан ташкил топган бўлиши керак. Қолаверса, болалар учун олма ва творог ейиш ҳам фойдалидир. Аммо уч фар-

зандим боғчага қатнаган бўлса, ҳали улардан бундай маҳсулотларни истеъмол қилишганини эшитганим йўқ. Демакки, юртимиздаги МТМларда болажонларнинг овқатланиш рационини талабга жавоб бермайди.

Кечки овқатга, асосан, енгил таомлар тавсия этилади. Улар меъдага ортиқча юклама бўлмаслиги керак. Кузатувларимиз эса бу кечки овқат учун булочка, пирожка ва сомса каби бола учун умуман фойдасиз таомлар берилар экан. Ёш болаларнинг овқат ҳазм қилиш тизими ўзига хос бўлгани учун улар ёғли, қовурилган, аччиқ ва нордон овқатларни ейишдан чекланиши керак. Болалар таомномасининг асосини табиий маҳсулотлар (сабзавотлар, мева ва кўкатлар) ҳамда қайнатилган ва димланган таомлар ташкил этиши лозим. Ширин ичимликлар, пишириклар, ун маҳсулотлари, шоколад каби егуликлар минимал миқдорда истеъмол қилиниши зарур.

Агар фарзандларимиз соғлигини асрашни истасак, уларни тез тайёр бўладиган егуликлар – гамбургер, хот-дог, шунингдек, турли хил рангли ва газланган ширин сувлар, қотирилган нон ва чипс, таркибида кимёвий ва ранг берувчи қўшимчалар мавжуд маҳсулотларни тановул қилишига руҳсат бермаслик даркор. Унинг ўрнига мевалардан чипслар тайёрлаб бериш, уйда суви қочган нонлардан қотирма нонлар, шакар ўрнига асал солинган пишириклар тайёрлаб берган маъқул.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ
ҚАНДАЙ ТАШКИЛ
ҚИЛИНАДИ?

Боланинг соғлом ўсишида таомномадаги озиқ-овқат маҳсулотларининг турли-туман бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Аниқ ўйлаб чиқилган, турли зарур маҳсулотларни ўз ичига олувчи меъерий овқатланиш тарзи ҳар томонлама фойдали ҳисобланади.

Болажонлар кунига 4 мартадан кам бўлмаган ва ҳар куни белгиланган бир вақтда овқатланиш даркор. Улар орасидаги танэффус

3,5 соатдан ошмаслиги лозим. Бола ҳар куни янги узилган мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш зарур. Мева ва сабзавотлар салатларда, қирғичдан чиқарилган ҳолда, шарбат кўринишида ва, албатта, бутунлигича истеъмол қилиниши шарт. Аммо боғча ва мактабларимизда хом сабзавотлар ёки салатларни камдан-кам берилади. Ваҳоланки, юртимиз сабзавот ва меваларнинг макони ҳисобланади. Биз эса фарзандларимиз соғлиги учун бу имкониятлардан фойдаланмаймиз.

Таомларни тайёрлашда бугда тайёрлаш, димлаб ва қайнатиб пиширишдан фойдаланиш керак. Шунингдек, болаларнинг рационига қуруқ меваларни ҳам киритиш айтилган муддао ҳисобланади. Чунки ушбу маҳсулотларда жудаям кўп витамин, макро ва микроэлементлар бор. Бу эса бола соғломлиги учун жудаям муҳимдир.

ХОРИЖГА БИР НАЗАР...

Италияда болалар боғчалари ва мактабларда овқатланиш бўйича мутахассислар тананинг ёши ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оксиллар, ёғлар, углеводларнинг керакли миқдорини танлайдилар. Болалар боғчаларида иккита турдаги менюлар ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланилмоқда — ёзги ва қишги. Озиқланишнинг бу усули озиқ-овқатни фақат мавсумий маҳсулотлар орқали кўп фойдали элементлар ва витаминларни олиш имконини беради. Италия болалар боғчаларида макарон, лазаня ва пицца итальян ошхонасининг ажралмас ҳамроҳлари ва болалар томонидан севиб истеъмол қилинади. Ширинлик уларнинг рационини алоҳида ўрин тутди. Ёзда улар ҳатто музқай-

моқ ҳам беришади. Италиядаги болалар гарнир сифатида гуруч ёки макарон билан гўшт ва балиқни афзал кўрадилар.

Кореяда болалар 3 ёшдан 5 ёшгача боғчага борадилар. Кунига уч марта овқатланиш болалар боғчаси хизматлари нарҳига киритилган, аммо болаларга уйдан озиқ-овқат олиб келиши тақиқланмаган. Болалар боғчасидаги ҳар бир болада шахсий озиқ-овқат идиши мавжуд. Бола эрталаб боғчага тоза идишларини олиб келишади, ундан овқатланади, кейин эса идишни уйга олиб кетади ва уни ўзи ювиши керак бўлади. Шундай қилиб, болалар мустақил бўлишга ўргатилади. Барча идишлар бир хил бўлиб: уларда гуруч ва шўрва учун иккита катта бўлинма ва салатлар ва газаклар учун 3-4 кичик бўлинма мавжуд.

Болалар рационини, асосан, мевалар, сут маҳсулотлари, гуруч, шўрва, шунингдек, панчанг - анъанавий корейс салатлари ёки газаклардан иборат бўлиб, улар кичик қисмларда тақдим этилади. Нонушта ва тушлик чойи учун болаларга мева, сабзавот, булка, йогурт ва дон маҳсулотлари берилади. Болалар асосан чой ёки сут ичишади.

Францияда ҳар хил турдаги пишлоқлар кундалик менюда оддий маҳсулот ҳисобланади. Вермишельли помидор шўрваси, қовоқ пюреси билан дана гўшти сотеси, фри картошкаси билан жамбон, майдаланган пишлоқли макарон, сабзи гарнитурали қовурилган балиқ филеси, яшил нўхат билан органик товуқ, шунингдек, мевалар, шарбатлар ва йогуртлар — бу уларнинг кунлик таомномасидир. Маълум бўлишича, Францияда болаларга ҳар куни турли хил пишлоқлар беришади.

Болалар саломатлиги ҳақида гап кетар экан, юртимиздаги мутасадди ташкилотлар МТМлар таомномасини қайта кўриб чиқишларига тўғри келади. Болажонлар таомномасига сабзавот, мевалар, омлетлар, балиқли таомларни қўшиб уларнинг соғлиги учун кечиктириб бўлмайди ҳаракатдир. Бу борада мутасадди ташкилотлардан муносабат кутиб қоламиз ва, албатта, бу мавзуга яна қайтамиз.

Саида ЭШМҲИНОВА.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

КИМЛАР БОҒЧАГА НАВБАТСИЗ
ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ?

Қонунчиликка кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат боғчалари ва мактабларга навбатга қўйилмасдан жойлаштирилади.

Уларга техникум, коллеж, академик лицей ёки ОТМда ўқиётганда ҳар ўқув йилида 1 маротаба ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш учун БҲМнинг 5 баравари (1 млн. 500 минг сўм) миқдоридан субсидия берилади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқишни давлат ОТМларида давом эттирганда уларга стипендия 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади.



БУ МАНЗАРАГА ҚАРИЙБ 10-15 ЙИЛДАН БУЁН ҒУВОҲМИЗ. БИРОҚ ҲАР БАЙРАМДА ШУНДАЙ ВАЗИЯТ КУЗАТИЛСА-ДА, УНИНГ ЕЧИМИ БИЛАН ТУЗУКРОҚ ҲЕЧ КИМ ШУҒУЛЛАНГАНИ ЙЎҚ

Эсингизда бўлса, март ойида байрам кунлари вилоятларга бориш учун йўл нархининг ошиб кетиши билан боғлиқ таҳлилларни эътиборингизга ҳавола этгандик. Афсуски, ўтган муддат ичида ҳеч нарса ўзгармади. Мисол учун, Мустақиллик кунини муносабати билан 2022 йил 1-4 сентябрь кунлари «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан аҳолининг турли қатламлари учун 10 фоиздан 50 фоизгача бўлган чегирмалар жорий қилинди. Бироқ ҳар галгидек чегирма асосида сотиб олиш учун кассаларда чиптанинг ўзи йўқ.

«АФРОСИЁБ»ГА БИР ОЙ ОЛДИН ЧИПТА ОЛИШ КЕРАКМИ?

Чегирма эълон қилинган кунларда шартли равишда Тошкентдан Қашқадарёга тезюрар поездда («Афросиёб», «Насаф») бормоқчи бўлиб, «Ўзбекистон темир йўллари»нинг 1005 қисқа рақамига боғландик. Оператор қиз биз сўраган кунлар учун тезюрар поездларга чипта қолмагани, фақат Сурхондарёга ҳаракатланувчи йўловчи поездига 5-10 та чипта борлигини билдирди. Байрам муносабати билан қўшимча рейслар қўйилмаслигини билдирди.

Операторнинг жавобидан қониқмай, компаниянинг онлайн чипталар сотуви йўлга қўйилган «e-ticket.railway.uz» сайтига кириб кўрдик. Чиндан ҳам чегирма эълон қилинган кунлар учун биронта чипта қолмаган. Операторнинг хабари йўқдир, веб-сайт яхши ишламаётгандир, деган ҳаёлда темирйўл кассасига бордик, бироқ бу ердаги манзара шундай: манзилига етиб олиш истагида бўлган йўловчилар ҳар қадамда учрайди, чипта эса анқонинг уруғи...

МАЪЛУМОТ УЧУН: «e-ticket.railway.uz» сайтида «Тошкент — Қарши» йўналишида «Афросиёб» чиптаси нархи — чегирмаси 141 000 сўм (10 фоиз чегирма биан тахминан 126 900 сўм), «Насаф» чиптаси нархи — 89 000 сўм (15 фоиз чегирма билан тахминан 75 650 сўм).

САМОЛЁТ БОР, АВТОБУС ҚАТНАМАЙДИ

Манзилимизга самолётда етиб олиш учун «Uzbekistan Airways»нинг алоқа марказига (78 140-02-00) боғландик. Оператор барча аҳоли қатламларига 50 фоизлик чегирма эълон қилингани, бироқ барча шаҳарларга кунлик рейслар йўлга қўйилмаганини билдирди. Мисол учун, Қаршига ҳафтада уч кун (чоршанба, жума, яшанба), Самарқандга ҳафтада тўрт кун (душанба, сешанба, пайшанба, жума), Бухорога ҳар кунни рейслар мавжуд. Кассаларда чегирмали чипталар бор. Масалан, Қашқадарёга самолётда етиб олмоқчи бўлганлар учун 2 сентябрь санасида учиши мумкин (бунда чегирмали, иқтисодий класс, нархи — багаж билан — 142 957 сўм, багажсиз — 120 964 сўм).

Вилоятлараро автобуслар қатнови йўлга қўйилганидан хабарингиз бор. Шартли манзилга байрам арафасида етиб олиш учун Тошкент автовокзалининг 71 207-87-00, 71 207-87-02 телефон рақамларига боғландик. Бироқ икки кунлик уринишларимиз бесамар кетди: ҳар икки рақам фақат «линия банд»лигини кўрсатди. «Вилоятларга кетувчилар кўп, шунга тушиш имкони бўлмаётгандирда», деган яхши гумонда автовокзалнинг «avtoticket.uz» сайтига кириб кўрдик. Маълум бўлдики, Қаршига етиб олиш учун фақатгина 31 август санасида битта рейс бор (чипта нархи 75 000 сўмни ташкил этади). Қолган байрам кунлари учун рейслар мавжуд эмас. Қўриб турибсизки, байрам кунларида поезд учун

аксарият йўналишларда чипталар қолмаган. Ҳўш, акция эълон қилинишидан олдинроқ чипталар тугаб бўлганини қандай изоҳлаш мумкин? Нега компания бунга била туриб, яна акция эълон қилади? Ё бўлмаса, самолётда манзилига етиб олмоқчи бўлган киши айрим кунларига чегирмадан фойдалана олади. Байрам кунлари автобус қатновларининг йўқлигини эса, очиғи, тушунмадик.

ВА НИҲОЯТ... ТАКСИ БОР! ИСТАЛГАНЧА!

Юқоридаги вазиятлардан ким кўп ютади, албатта, вилоятлараро қатновчи йўналишсиз такси ҳайдовчилари! Ўзбекистонда байрамлар бошланиши биланоқ, такси ҳайдовчилари йўлқира нархларини кўтариб юбориши янгилик эмас. Фарғона водийси, воҳа вилоятларига боришни истасангиз, бу, айниқса, сезилади. Мисол учун, одатий кунларда Қаршига таксида 70-100 минг сўмга етиб олиш мумкин. Байрам арафасида эса бу нархлар 150-180 минг, ҳатто 200 минг сўмга кўтарилиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай такси ҳайдовчиларининг деярли 80-90 фоизда йўловчи ташиш учун ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Нарх-навонинг осмонга сапчиши-ку, майли, аммо ҳайдовчиларнинг муомаласи ўзгариб қолишига нима дейсиз?

Ҳайдовчидан масофа ўзгармаслиги, ёқилғи бир хил сарфлангани ҳолда, нега одатий кунларга қараганда байрам арафасида нархлар ошиши ҳақида сўрасангиз, бунга жавоби тайин: «Биз учун фақат байрам арафасига «сезон», фойдаланиб қолмасак бўлмайди. Шундоқ ҳам шу кунлари вилоятдан «пустой» келамиз, қайтишда шуни ҳам чиқариб олишимиз керак». Тўғри, таксичилик осон касб эмас. Йўл узок, узок йўлга, айниқса, тунда юришининг ўзи бир азоб, бироқ бу жиҳатлар айнан байрамлар арафасида

нархлар ошишини оқламайди.

«Ҳар бир йўловчи сизга 100 минг сўмдан тўлайди. Натижада сиз 400 минг сўм оласиз. Автомобиль «газда» бўлгани учун сиз максимум 70 минг сўм сарфлайсиз. Бир йил давомида шундай стандарт нархга эга бўлиш мумкин эмасми?» — дея савол қотсангиз, яна ҳайдовчи ҳаётидан нолий бошлайди. Маълум бўлишича, «свеча»лар, баллонлар, мотор мойини тез-тез ўзгартиради, ҳамма нарса қиммат туради, оила боқиш керак ва ҳақозо. Савол тугилади: йўловчилар ҳақида ким уйлайди? Ишонинг, кўплай йўловчиларда ҳам муаммолар етарлича...

Қолаверса, такси ҳайдовчилари фақат нақд пулга ишлайди. Тўғри, аввалдан келишиб, АЁҚШларда қилган харидига пластик картангиз орқали тўлашингиз мумкин. Лекин нима учун пул пластик картада бўлганига фуқаро ўзини ноқулай, айбдордек ҳис этиши керак? Боз устига, баъзи такси машиналарининг ҳолати санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Аксарият такси ҳайдовчилари эса манзилга тезроқ етиб олиш, кўпроқ одам ташиб қолиш учун йўлларда тезликни меъеридан оширади. Бироқ, унутмайлик, энг мудҳиш «авария»ларга, аввало, тезликни ошириш сабаб бўляпти.

БОШНИ УШЛАБ ЎТИРАВЕРАМИЗМИ?

Юқорида қайд этилган ҳолатлар айнан Мустақиллик байрами арафасида юз бераётгани йўқ. Бу манзарага қарийб 10-15 йилдан буён гувоҳимиз. Бироқ «Ҳар баҳорда шу бўлар такрор...» деганларидек, ҳар байрамда шундай вазият кузатилади, унинг ечими билан тузукроқ ҳеч ким шуғуллангани йўқ. Ҳўш, нима қилмоқ лозим?

БИРИНЧИДАН, поезд ва самолётга чегирма эълон қилинар экан, кассада чипта бор-йўқлигига бир кўр назар

ташламоқ керак. Вазиятдан келиб чиқиб, қўшимча вагонларни, рейсларни йўлга қўйиш мумкин. «Ички туризмни ривожлантирагимиз» деб бонг уряялини оддий чипта масаласини тартибга келтириб қўя олмаямиз.

ИККИНЧИДАН, ҳозирда имтиёзли (чегирмали) чипталарни онлайн сотиб олиш, муддатини ўзгартириш ёки қайтаришининг имкони йўқ. Бунинг учун, албатта, кассаларга бориш, керакли маълумотномаларни шахсан топшириш керак бўлади. Бу эса, ўз навбатида, овозгарчиликлар ва катта навбатларни келтириб чиқаради. Демак, электрон чипта сотиш тизимига босқичма-босқич мана шундай функцияни қўйиш бориш лозим.

УЧИНЧИДАН, таксилар билан боғлиқ масалани республика доирасида кўриб чиқиб, барча таксилар учун мажбурий техник, санитар-гигиеник ва маънавий-ахлоқий талаб ва меъёрларни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Таксичилар ўртасида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, таксилар хизматидан қониқмаган, норози бўлган фуқаролар учун тезкор алоқа каналларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

ТЎРТИНЧИДАН, таътилнинг биринчи ва охириги кунда (1 ва 4 сентябрь) вилоятлараро магистраль йўлларда бир неча километрлаб чўзилган тирбандликлар юзага келади. Соатлаб тиқилганда турган машиналар қарвони 5, ҳатто 8 километргача етади. Транспорт вазирлиги байрамлардаги бундай тирбандликлар муаммоларини ечишга олдинроқ тайёргарлик кўрса, хавфсиз етиб бориш учун чегирмасиз ҳам чипта олишга тайёр йўловчилар сони, албатта, кўпчиликни ташкил этади. Сиз фақат транспорт билан таъминланг, холос!

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

РАҚАМЛАШТИРИШ



Энди ҳеч ким яширина олмайdimи?

Энди кўчада кетаётиб, камерага тушдингизми, тамом. У сизни шунчаки тасвирга олиш билан кифояланмайди. Дарров таниб олади. Кимсиз? Исм-шарифингиз нима? Қаерда яшайсиз?

Замонавий технологиялар ақлбавар қилмайдиган кароматларга қодир. Оддий видеокамера орқали юзни таниш тизими ана шулардан бири. Биламизки, ҳозирда деярли барча ҳудудларда кузатув камералари ўрнатилган. Айниқса, Тошкент бу масалада барча вилоятлардан олдинда. Пойтахтда бирор дўкон, овқатланиш жойи, бозор, ишхона, кўп қаватли тураржой, кўча йўқки, ўнлаб камералар томонидан ҳафтада етти кун узлуксиз кузатилмас. Айни пайтда хонадонларда ҳам кузатув камераларини ўрнатиш урфга кириб улгурган. Яширинишга жой йўқдек гўё.

Аммо, шунга қарамай, жиноятлар сони кўпайса кўпаймоқдаки, ҳеч камаёғгани йўқ. Очилмай қолаётган жиноятлар талайгина. Масалан, 2020 йилда республика бўйича 62 мингта жиноят содир этилган бўлса, уларнинг 4,5 мингтаси очилмай қолган. Бу жиноятларнинг бир қисми кейинги йилларда фож этилди. 2021-2022 йилнинг ўтган даврида очилмаган жиноятлар сони ҳақида очиқ маълумотларни топа олмадик.

Маيلي, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Пойтахтимизда шу кунларда мавжуд кузатув камералари биометрик маълумотлар асосида инсон юзини таниш тизимига уланиши қўтилмоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши масалани жиддий муҳокама қилган ва бир овоздан маъқуллаган. Бу нима дегани? Энди кўчада кетаётиб, камерага тушдингизми, тамом. У сизни шунчаки тасвирга олиш билан кифояланмайди. Дарров таниб олади. Кимсиз? Исм-шарифингиз нима? Қаерда яшайсиз? Ёшингиз нечида? Қаерда ишлайсиз? Турмуш ўртоғингиз ким? Нечта фарзандингиз бор? Қайси поликлиникада рўйхатда турасиз? Қайси банкнинг мижозисиз? Қанча қарзингиз бор?

Хуллас, бари-барини лаҳзалар ичида аниқлайди. Бу ҳам етмаганидек, камераларни бошқарадиган сунъий онг биометрик кўрсаткичлар асосида айни пайтдаги мақсадингизни тахмин қилиш имконига эга. Хўш, бу яхшими ёки ёмон?

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

Масъуллар ҳар доимгидек янги технология ва дастурлар жиноятчиликнинг олдини олиши, хавфсизлик ва барқарорликка хизмат қилишини таъкидлашмоқда. — Биометрик маълумотларга асосланган юзни аниқлаш ва назорат қилиш тизими лойиҳа концепциясини тасдиқлаш долзарб масалалардан бири, — дейди ИИБ Киберхавфсизлик маркази масъул ходими Шавкат Файзиев. — Бу аҳоли саломатлиги ва жамоат тартибини сақлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашда жуда аҳамиятли тизим. Шу сабабли Биометрик маълумотларга асосланган юзни аниқлаш ва назорат қилиш комплекс тизими яратилмоқда. Бунинг натижасида жамиятда кўплаб муаммоларга ечим топилади. Илғор технологиялар асосида хавфсизлик таъминланади, ижтимоий объектлар, жамоат жойларида назорат ва тезкор ахборот тизими такомиллаштирилади, биометрик маълумотлар базасига асосланган назоратни кучайтириш тизими жорий этилади, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга эришилади.

ИИБ янги тизим, жумладан, аҳоли саломатлигини таъминлаш, вирусли, юқумли касалликлар тарқалиши, жиноятчилик ва терроризм каби хавф-хатарларнинг олдини олиш йўналишидаги ишларга катта ёрдам бўлишини таъкидламоқда.

БУ ГАП ҚАЕРДАН ЧИҚДИ?

Янги тартиблар «Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш чоратadbirlари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Биламизки, ўтган йили декабрь ойида эълон қилинган мазкур қарор доирасида Корея билан ҳамкорликнинг уч муҳим йўналишини белгилаб олгандик. Булар рақамлаштириш, «яшил» иқтисодиёт, кучли ижтимоий сиёсат масалалари ҳисобланади.

Расмийларнинг айтишича, тизимни жорий этиш аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, чунки тизим ҳарорати юқори бўлган, юқумли касалликларга чалинган ёки соғлиги тўсатдан ёмонлашган шахсларни автоматик аниқлаш имкониятини беради.

— Пандемия даврида биз биометрик юзни таниш тизимига эга бўлган мамлакатларда ушбу тизим касаллик тарқалишининг олдини олишда муҳим роль ўйнаганига гувоҳ бўлдик, — дейди Шавкат Файзиев. — Мисол учун, термал датчикли камералар юқори ҳароратли одамларни аниқлаш ва уларни изоляция қилишга ёрдам бериши. Шу билан бирга, тартибсизликларнинг олдиндан кўра билиш, уларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларини масофадан туриб аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда бундай тизим йўқ.

Бундан ташқари, лойиҳа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, шунингдек бедарак йўқолган, қидирувда бўлган шахсларни, қарздорларни қидиришга кўмаклашиш, шартли ва профилактик ҳисобда турган шахсларни, тан жароҳати етказиш ва безорилик ҳолатларини аниқлашга қаратилган. Экстремист ва террористларни

аниқлашда психологик портретни шакллантириш тизими (профайлинг) бизда ҳануз йўлга қўйилмаган. Янги тартиблар мазкур муаммони ҳам ҳал этади.

НЕЧТА КАМЕРА БОР?

Бугунги кунда Ўзбекистонда 179,6 мингдан ортиқ камералар фаолият кўрсатмоқда, шундан 177,1 мингдан ортиғи стационар, 1233 таси ПТЗ камералари (айлантириш, буриш ва катталаштириш учун ҳаракатлантирувчи тизим билан жиҳозланган), 658 таси давлат рақамларини аниқлаш бўйича камералари, 604 таси юзларни таниб олишга мўлжалланган.

Маълумотларни шахсийлаштириш маркази 29 миллиондан ошиқроқ (35,27 миллион аҳолидан), шу жумладан, 16 ёшдан ошган 24,38 миллион шахснинг паспорт маълумотлари ва

биометрик тасвирларини рўйхатдан ўтказиб бўлган. Зарур дастурий тизим ва зарур жиҳозлар, жумладан, иссиқлик датчиги мавжуд 180 та камера харид қилиш учун Жанубий Кореянинг Эксимбанкдан 7 миллион долларлик имтиёзли кредит жалб қилинмоқда. Кредит маблағи 0 фоиз миқдорда олиниши кўзда тутилган.

ТЎҒРИ-КУЯ...

Юқоридагиларнинг бари тўғри-куя, аммо бу тизим инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашда ҳам катта роль ўйнаши мумкинлигига эътибор қаратиш лозим. Янгилик одамлар зарарига ишлаб қолмаслиги керак. Шахсий маълумотлар, ҳар биримизда бор инсоний камчилик ва нуқсонлардан фойдаланиб, зуғум ўтказиш қуролига айланмаслигини кафолатлаш лозим.

У.ИБОДИНОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ЧИҚИНДИ ҚАНЧА ВАҚТДА ОЛИБ КЕТИЛИШИ КЕРАК?

Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлиги чиқинди тўплаш шохобчаларидан — 1 кунда бир маротаба ва яқка тартибдаги тураржой секторидан «сигнал» усулида — 3 кунда бир маротабани ташкил қилади.



Чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали маҳалла билан келишилган ҳолда белгиланади, бунда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ маиший чиқиндиларни сақлашнинг чекланган муддати ўтиб кетмаслиги лозим. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш

жадвалига риоя қилинмаган ҳолатларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли чоралар кўриши ва кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш учун Давлат экология кўмитасининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига мурожаат қилишга ҳақли.

ВАЗИЯТ

Эгасиз дарахт эрта қурийд

ЭНДИ ҲОКИМБУВАНИНГ ДАРАХТ КЕСКИСИ КЕЛИБ ҚОЛСА, МАСЪУЛ ШАХС ДАРРОВ БИТТА БИЛДИРГИ ТАЙЁРЛАБ, ХУЖЖАТЛАШТИРИБ ҚЎЯДИ. ЮҚОРИ ТУРУВЧИ ИДОРАНИ ОГОҲЛАНТИРАДИ. БУВА БИЛАН УЛАРНИНГ ЎЗЛАРИ ГАПЛАШИБ ОЛАВЕРСИН. ХУЛЛАС, ЎЙЛАНГАН МАҚСАД ЁМОН ЭМАС

Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини эълон қилди. Энди ҳар бир дарахт хатловдан ўтказилади, рўйхатга олинади.

Барчасининг гуллаб-яшнаши таъминлаши шарт бўлган аниқ масъул шахслар белгиланади. Агар бирор дарахт кесилса ёки кейинроқ кесиш учун қасддан қуритилса, умуман, қаровсизликдан нобуд бўлса жавобгар шахс тегишли жазосини олади. Энди у юрагини ҳовучлаб юришга мажбур. Керак бўлса, суғориш учун пақирлаб сув ташийди. Жанжаллашиб бўлса-да, касалланган дарахти учун масъул идоралардан дори-дармон, ўғит ундиради. Ҳокимбуванинг дарахт кескиси келиб қолса, дарров битта билдирги тайёрлаб, хужжатлаштириб қўяди. Юқори турувчи идорани огоҳлантиради. Бува билан уларнинг ўзлари гаплашиб олаверсин. Хуллас, ўйланган мақсад ёмон эмас.

Қарорни ўқиб, «ниҳоят», деб юборасан одам. Афсуски, бу беш-олти қоғоздан иборат хужжат имзолангунча минглаб дарахтлар кесилиб кетди. Қаровсизликдан қовжираб, қуриди. Миллионлаб туп кўчатлар кўзбўямачилик учун ҳужжатлардагина «экилди». Мора-торийларга қарамай, дарахтларни кесаверган ҳокимлар, проку-рорлар ишдан олинди, халқимиз чанг бўрони офатини бошидан

ўтказди. Катта шаҳарлардаги гўзал боғлар ўрнида қатор темир бетон конструкциялардан иборат жазирама мажмуалар қад ростлади, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Самарқанд сингари ўрмон шаҳарлар тап-тақир майдонларга айлантирилди ва ҳоказо... Майли-да, доно халқимиз айтганидек, «Ҳечдан кўра, кеч яхши».

ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН ДАРАХТЛАР ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

— Янги қарор экология масаласида анча қаттиққўл тартибларни ўрнатаётгани билан муҳимдир, — дейди **Ўзбекистон Миллий университети «Экология» кафедраси мудири Вафабай Шеримбетов**. — Экологлар бу каби қоидаларни анчадан буён қўйишга тўғри келиши тўғрисида талаш-мунозаралар бўлиб келди. Қарорга мувофиқ, дарахт ва буталарни компенсация тарзида экиш, дарахтларни кесилган рухсатнома бериш учун йиғимни ёки уларни ноқонуний кесганлик бўйича жарималарни тўлашдан озод қилмайди. Компенсациявий экиш жойлари

«Яшил боғлар» ва «Яшил жамоат парклари», ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун мулжалланган бошқа ҳудудлардан танланади.

2022 йил 31 декабрда қаровсиз қолган дарахтлар хатловдан ўтказилади ва яқин ҳудуддаги мулкдорларга бириктирилади. Уларга жавобгарлик юклатилади. Ҳокимликлар томонидан 1 сентябрдан қўзғатиш ва 1 февралдан баҳорги кўчат экиш ҳажмлари бўйича манзилли дастур тасдиқланади. Дарахт ва буталарнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш тадбирларига маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 2 фоизигача маблағ ажратилади. Бу каби қатъий қоидалар экология соҳасида аввал қўзғатилмаган. Ўйлаймики, мазкур чоралар муаммоларни ҳал этади.

ЭНДИ МАҲАЛЛАЛАР ЯШНАБ КЕТАДИМИ?

Қарор билан Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Низомда дарахтлар ва буталарни экиш учун жойлар танлаш, уларни экиш, суғориш, озиклантириш ва буталаш тартиби белгиланган.

— 20 йилдан буён маҳаллага

раислик қиламан, — дейди **Учкўприк туманидаги «Баҳрин» маҳалласи раиси Сабоҳон Сиддиқова**. — Шунча пайт ҳудудни боғу роғларга айлантириш ҳаракатида юрганмиз. Бир нарса аниқ: дарахтнинг эгаси бўлмаса, у шубҳасиз қурийд. Авваллари биз бир томондан эксақ, иккинчи томондан турли сабаблар билан кесиларди. Эгасизликдан қурирд. Ҳозир ҳар бир янги экилган кўчатга аҳоли орасидан масъул белгилаяпмиз. Кўчатга масъул оиланинг каттасини исми ёзилган кўрсаткич осиб қўйяпмиз. Жорий йил бу натижа берди. Одамлар бир-бирларидан уялганидан дарахтларга қарашди. Фарзандларини сув қуйиш, тагини юмшатиш учун жўнатишди. Шу боисми, «Яшил макон» доирасида экилган кўчатларимиз оласиз кўкарган. Ўхшаш тартиблар бутун республикада амалга кириши, боз устига, масъулиятсизлик қилганларга жавобгарлик белги-ланиши айтиш мумкин. Ўйла-шимча, бу натижа беради. Аммо

масала юзасидан кўнгилчанлик қилмаслик керак.

Ҳудудларни кўкаламзорлаштириш — маҳалла раисларининг вазифаларидан бири. Шундай экан, биз юқоридаги талабдан хурсандмиз. Яна бир жиҳат: бизда аҳоли орасида терак экиб, тирикчилик қиладиганлар кўпчилики ташкил қилади. Шу каби фаолият билан шуғулланувчиларга турли имтиёз ва кўмаклар бериш юртимизда яшил ҳудудлар кўпайиши, дарахтларнинг барқ уриб, яш-нашига хизмат қилган бўларди. Масалан, қишлоқларимиз тепа-сидаги минглаб гектар ерларда теракзорлар ташкил қилиш ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан фақат фойда келтирарди. Бунда томчилаб суғориш технологияларидан фойдаланиш, шу мақсадлар учун кредитлар ажратиш зарур. Ёки ерлар ўзлаштирилиб, тераклар экилиб, сўнгра одамларга кредит эвазига топширилиши ҳам мумкин. Умуман, агар хоҳиш бўлса, юртни жаннатга айлан-тириш учун бир неча йил, меҳнат керак бўлади, холос.

Дарҳақиқат, дарахт экишнинг ўзи билан иш битмайди. Бундан аҳоли учун даромадли соҳага айлантириш юқоридаги каби қарорларнинг самарадорлигини оширган бўларди. Бунда бўш турган йирик майдонларда иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган дарахтларни парвариш учун имтиёзлар ажратилиши айтиш мумкин.

У. ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МЕБЕЛЬ ВА ЖИҲОЗЛАР ОЛИБ БЕРИЛДИ

Шофиркон туманидаги 3 та маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тумани бўлинмаси маблағлари ҳисобидан 11 млн. 731 минг сўмлик замонавий компьютер жамланмаси ва принтерлар, шунингдек, 9 млн. 800 минг сўмлик мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Фуқаролар йиғинлари раисларига компьютер жамланмалари ҳамда мебеллар тўпламини олиш учун сертификатлар фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Улуғбек Козимов иштирокида топширилди. — Иш фаолиятимизни самарали ташкил этиш учун мебель ҳамда моддий техника жиҳозлари олиб бериб, қулайликлар яратиб бераётгани учун масъуллардан миннатдоримиз, — дейди **«Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аваз Паноев**. — Очиғи, фуқароларни қабул қилиш жараёнида анча қийинчиликка дуч келардик. Маҳалланинг ўзида шароит

бўлмагач, фуқаролар дардини айтиб келишга ийманар экан. Энди барча шароитларга эга идорамизда аҳоли муурожаатлари билан ишлаш учун етарли имкониятларимиз бор. Шунингдек, фонднинг вилоят бошқаруви кам таъминланган, яққа-ёлғиз боқувчисини йўқотган оилаларга ижтимоий аҳволдан келиб чиқиб, моддий ёрдам олишлари учун сертификатлар топширди. Шу куни Шофиркон тумани «Қалмақон» маҳалласида яшовчи 2-гурӯх ногирони Гулбегим ая Сафоева ҳолидан хабар олиниб, ногиронлик аравачаси берилди.



ТАЪЛИМ

«СУПЕР-КОНТРАКТ»

суммасининг миқдори қанча?

ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТЎЛОВ-КОНТРАКТ СУММАСИНИНГ АНИҚ МИҚДОРНИ ХУЖЖАТ ТОПШИРИЛГАН ОТМДАН БИЛИШ МУМКИН. АММО КЕРАКЛИ МАЪЛУМОТЛАР ЁРДАМИДА БЎЛАЖАК ТАЛАБАНИНГ ЎЗИ ҲАМ БУНИ МУСТАҚИЛ ҲИСОБЛАШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА

Ҳар доимгидек бу йилги олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари хамирдан қил суғиргандек тинч ўтмади. Яна шов-шувлар, танқидлар, норозилик ва ҳоказо. Масалан, абитуриентларнинг яримидан кўпи 50 баллдан сал баландроқ тўплаганининг ўзи анчагина шов-шувларга сабаб бўлди. Бу бир томондан халқ таълими тизимининг жуда сифатсиз эканидан далолат берса, иккинчи томондан шу пайтгача абитуриентлар кўрсатиб келган юқори балларнинг катта қисми аслида нотўғри эканидан дарак.

Ҳозирда талабалар гаштини сураётган кўплаб ёшлар «шпаргалкалар», «х-вариант», «қаллалар», таниш-билишчилик туфайли юқори балларни қўлга киритишганга ўхшайди. Жорий йилда имтиҳонлар анча ҳалол ўтказилган, чоғи, ўша ўрганиб қолганимиз 195-200 баллар учрамайди.

Майли, бу бошқа масала. Ҳўш, имтиҳонлар ўтди. Мандат эълон қилинди. Имтиҳонлар бахтдан еттинчи осмонда бўлса, бошқалар хафа. Омадсизлиги сабабларини ахтариш билан банд. Пулдорроқ ота-оналар эса боласини «супер-контракт»да ўқитиш учун таниш-билиш излаш пайига тушган. Табақалаштирилган тўлов-контракт суммалари қанча бўляпти? Уни қандай ҳисоблаш мумкин?

ҲАЛИ ИККИ ҲАФТАЛАР БОР

Бир нечта ОТМлар қабул комиссиялари билан боғланиб, бу масалага ҳали шошилишнинг кераги йўқлигини аниқладик. Масыулларнинг айтишича, талабаларни «супер-контракт» асоси-

да ўқишга қабул қилиш бўйича алоҳида қарор қабул қилинади. Шундагина жорий йилда бу жараён қандай кечишига тўла аниқлик киритилади. Қарор яқин икки ҳафта ичида эълон қилиниши кутилмоқда. Сўнгра барча ОТМлар ариза қабул қила бошлаганлари тўғрисида расмий эълон берадилар.

Аммо, билишимизча, янги қарор аввалгисидан кўп фарқ қилмайдиган кўринади. Шу билан бирга, номини айтишимизни истамаган ОТМ ходими «супер-контракт» бўйича шартнома пулларини тўлаш муддати кескин қисқариши мумкинлигини айтмоқда. Бунга ўтган йили шу асосда ўқишга кирган қатор талабаларнинг тўловни чўзиб юргани сабаб бўлган. Айримлар ханузгача қарзини тўла узгани йўқ. Жорий йил мазкур масалада қатъий турилиши кутилмоқда.

ЎТГАН ЙИЛИ ҚАНДАЙ БЎЛГАНДИ?

Аслида, табақалаштирилган тўлов-контракт суммасининг

аниқ миқдорини ҳужжат топширилган ОТМдан билиш мумкин. Аммо керакли маълумотлар ёрдамида бўлажак талабанингни ўзи бунга мустақил ҳисоблаш имкониятига эга.

Масалан, «супер-контракт» ОТМ бакалаврият таълим йўналишларининг кундузги, сиртки ва кечки шаклларида бор. Абитуриентлар кундузги таълим шаклининг стипендиясиз тўлов-контракт суммасини (сиртки ва кечкида стипендия йўқ) «супер-контракт» баробарига кўпайтириш орқали қанча тўлашларини ҳисоблаши мумкин. Баробарларни билиш учун эса «супер-контракт»нинг тоифасини аниқлаб олиш керак. У уч та тоифага бўлинган.

1-тоифага 4 баллгача етмай қолган абитуриентлар киради. Бунда 1 баллгача етмаганлар базавий тўлов-контрактининг 1,5 баробарини, 1,1 баллдан 2 баллгача етмаганлар 2,0 баробарини, 2,1 баллдан 3 баллгача етмаганлар 2,5 баробарини, 3,1 баллдан 4 баллгача етмаганлар эса 3,0 баробарини тўлайди. Масалан, математика йўналишида 1,5 балл етмай қолди, дейлик. Бундай вазиятда ўша абитуриент 2 баробар тўлайди. Тасдиқланган контракт нархлари жадвалига қарасак, математика йўналишида контракт нархи 6 412 610 сўм. Демак, математика йўналишига 1,5 балл етмай қолган абитуриент 12 825 220 сўм «супер-контракт» тўлайди (2 x 6 412.610).

2-тоифадагилар кириш чизиғига 4 баллдан ортик етмай қолган ва ўзи минимал ўтиш балли (56,7 балл)дан кўп балл тўплаганлар ҳисобланади. Бундай абитуриентлар «супер-контракт» учун йўналишига қараб, оддий контрактнинг минимум 8, 10, 12, 15, 17 ёки 25 баробарини тўлайди. Масалан, иқтисод йўналишига кириш балли 150 балл бўлди, дейлик. Абитуриент 70 балл тўлади. Демак, унга 4 баллдан ортик етмай қолган, ўзи ҳам 56,7 баллдан кўпроқ тўплаган. Иқтисод йўналишига минимал «супер-контракт» 10 баробар етиб белгиланган. Стипендиясиз оддий контракт нархи эса 9 129 930 сўм. Иқтисод йўналиши учун «супер-контракт» миқдори минимал 91 299 300 минг сўм (10 x 9,129 930).

Айтганча, ўтиш баллига 4 баллдан кўпроқ етмай қолган ва 56,7 баллдан кўп тўплаганларнинг ҳаммасига бир хил нарх бўлади. Яъни 5 балл етмаган ҳам, 50 балл етмаган ҳам бир хил тўлайди. Шу боис менга 10 балл етмади, мен-

га 30 балл етмади, қанча бўлади, деб сурашдан фойда йўқ.

3-тоифага 56,7 баллдан кам тўплаганлар киради. Бундай абитуриентлар «супер-мупер» контрактда ўқиши мумкин, фақат камида 2-тоифадагилар тўлайдиган сумманингни 2 баробарини тўлашади. Масалан, абитуриент иқтисод йўналишига топшириб, 40 балл тўплаган, яъни 56,7 баллдан кам. Демак, у камида 182 598 600 сўм тўлаши керак (2 x 91 299 300).

Яна бир жиҳат, айтилик, абитуриент 54 балл олди. Кириш балли эса 57 балл бўлди. Шунда 3 балл етмаган бўлса, «супер-контракт»ни камроқ тўлайдими? Йўқ, 56,7 балл, яъни минимал ўтиш баллидан кам тўплагани учун икки қарра кўпроқ «супер-контракт» тўланади. Кириш баллига қанча етмагани аҳамиятсиз. Шу билан бирга, имтиёз олган, лекин кира олмаган абитуриентлар учун умумий кириш баллига қараб «супер-контракт» нархи белгиланади, имтиёзликларнинг ўтиш баллига қараб эмас.

Умуман олганда, «супер-контракт» тизимда коррупцияни олдини олишга қаратилган таъсирчан чоралардан бири бўлди. Қувонарлиси, ота-оналар пул кўтариб таниш-билишга чопишдан кўра, расмий ва қонуний тўловни амалга оширган маъмул эканини англаб етишган. Шу билан бирга, ОТМларга кўшимча даромад манбаи ҳам. Катта пулга тушишни истамаганлар эса, марҳамат қилиб, яхшироқ таълим олишсин.

У.ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ТАДБИРКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАЯПТИ



Когон тумани «Сараён» маҳалласида фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиси Нодир Жумаевнинг қайд этишича, маҳалланингни 148 нафар меҳнатга лаёқатли фуқароси ишсизлар рўйхатида киритилган. Ҳар бир фуқаронинг қизиқиш ва имкониятларидан келиб чиқиб, ишга жойлаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Натижада уларнинг барчаси иш билан таъминланди.

— Ҳоким ёрдамчиси билан 2 сотих ерда иссиқхона қурдик, — дейди Навбахор кўчаси 27-уйда яшовчи Саид Нарзиев. — Йил бошидан ҳозирги кунга қадар 3 марта ҳосил олдик. Дастлаб булғор, баклажон, қулупнай кўчатларини етиштирдик. Кейин бодрич экилди. Ҳозирда аччиқ қалампир кўчатларини парваришляяпмиз. Йил охиригача 60 миллион сўм даромад олишни режалаштирганмиз. Уйдагиларимнинг 4 нафари иш билан банд. Маҳаллада кооперация усулидаги брелерчилик йўналишида 28 та хонадоннинг, миллий ширинликлар цехини ишга тушириш орқали 9 нафар хотин-қиз, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасида 8 нафар, қулупнайчилик кооперациясини

ташкил қилиш ҳисобига 30 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган. Шу билан бирга, тикувчилик ўқув курсига 20 нафар аёл жалб этилган.

— Ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан оилавий корхонамиз фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди Кўчатзор қишлоғи 10-уйда яшовчи Моҳигул Ёдгорова. — Уйимда пайпоқ тўқиш ускунаси ўрнатилди. Айни кунда мана шу юмушларни иккимиз бажаряпмиз. Бир кунда 250-300 жуфт пайпоқ ишлаб чиқаряпмиз. Маҳсулотларимиз маҳаллий бозорда сотилмоқда. Маҳаллада хизматлар соҳасида салоҳият катта. Хизмат кўрсатиш йўналишида хонадон эгаларининг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб тадбиркорлик лойиҳалари ташкил қилинмоқда.

РАКУРС

ТАЛАБАЛАР тураржой тополмай сарсон бўлади. Нега?

**КВАРТИРА НАРХИ «ОСМОН»ДА: ОЙИГА 400 МИНГ СЎМ СТИПЕНДИЯ
ОЛАДИГАН ТАЛАБА КАМИДА 300 ДОЛЛАРЛИК КВАРТИРАДА ТУРИШГА
МАЖБУР. БИРОҚ ШУ СУММАГА ИЖАРАГА БЕРУВЧИЛАР ҲАМ КЎП ЭМАС**

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари якунланиб, мандат натижалари эълон қилинди, энди олийгоҳларда ўқиш 5 сентябрдан бошланади. Бироқ айни жараёнда талабаларни ҳам, уларнинг ота-оналарини ҳам бир масала қийнаб турибди: тураржой муаммоси қандай ҳал этилади? Талабалар ётоқхонасида жойлар чекланган, у ерга қиролмаганлар нима қилади?

Пойтахт талабаларни қутиб олишга қандай тайёргарлик кўряпти? Ёхуд талабаларнинг пойтахтга келишга тараддуди қандай? Ҳар йилги машмашалар бу йил яна давом этадими? Бу саволларни қўйишга ҳақли сабабларимиз бор, албатта. Зеро, ўқув йили бошланиши билан талабаларнинг асосий муаммоси ва ташвиши, аввало, ўзи ўқийдиган олий таълим муассасаси ётоқхонасига жойлашиш бўлади. Ётоқхонага жойлаша олмаслигини билган талабалар яна ижарага уй излашга мажбур.

Айни жараёнда ҳеч ким уларга арзон ва қулай ижара уйлари таклиф этмайди, афсуски. Квартираларнинг нархи «осмон»да: ойига 400 минг сўм стипендия оладиган талаба камида 300 долларлик квартирада туришга мажбур. Бироқ шу суммага ижарага берувчилар кўп эмас. Асосан, оилаларни қўядиган инсонлар талабаларни хушлашмайди. Бунга уй сохиблари талабаларнинг масъулиятсизлиги, тўлов пуллари кечикиши, тартибсиз ҳаёт кечиришга мойиллик каби сабабларни келтиришади. Демак, талабалар, яхшилаб тайёрланиб, пойтахт кўчаларида сумка ва кўрпача кўтариб юрган инсонларни қўришдан ёмони йўқ.

ҚАНЧА ЁТОҚХОНА ҚУРИЛМОҚДА?

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг маълум қилишича, бугунги кунда республика бўйича жами 30 890 ўринли 60 та талабалар тураржойини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 1 август ҳолатига кўра, давлат-хусусий шериклик асосида умумий қуввати жами 20 800 ўринли 39 та лойиҳа устида иш олиб борилди. Шундан Самарқанд давлат университетига тадбиркорнинг тўлиқ маблағлари ҳисобидан 350 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилган.

Қолаверса, олий таълим муассасасининг ўз маблағи, давлат билан тенг улушда ҳамда Инвестиция дастури доирасида қурилаётган ётоқхоналар мавжуд. Ҳозирда шу тартибда 10 090 ўринли 21 та ётоқхона қурилиши амалга оширилмоқда. Шундан Қорақалпоқ давлат университетида 550 ўринли талабалар тураржойи университетнинг тўлиқ ўз маблағи ҳисобидан қуриб битказилди.

ТАЛАБАЛАР ДАВЛАТ ЁРДАМИНИ ОЛЯПТИМИ?

Юқоридагилар яхши, албатта. Бунга қўшимча равишда ижарада турувчи талабаларга ижара

МАЪЛУМОТ УЧУН: ҳукумат қарорига кўра, талабалар тураржойларини қурувчи тадбиркор давлатдан йиллик 3 млрд. сўмга яқин субсидия олиши мумкин. Қолаверса, уларга қурилган бино ва иншоотларнинг 20 фоизидан ошмаган қисмини қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун хусусийлаштириш имкони яратилди.

ҳақининг 50 фоизини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилган. Бунда ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида — БХМнинг бир бараваридан (300 000 сўм), бошқа ҳудудларда 0,5 бараваридан (150 000 сўм) ошмаслиги керак.

Бироқ бугун бу имтиёздан барча талабалар фойдалана олаётгани йўқ. Боиси квартиралар нархи жуда қиммат, боз устига, бу суммани олиш учун ижара шартномаси тузилган бўлиши лозим. Аксарият ҳолларда уй эгалари бунга хохламайди. Қолаверса, ижара ҳақи 300 доллар бўлаётган бир шароитда давлат, дейлик, 4 нафар талабага 1 200 000 сўмдан ортиқ ажрата олмайди.

Бизнинг-ча, бу ҳолатда талабаларни доимий тураржой билан таъминлаш борасида бошқа муқобил ечимларни кўриб чиқиш керак. Яъни маълум бир маблағни шунчаки бир марталик, бир йиллик ёрдам учун эмас, балки доимий ишлайдиган барқарор тузилмаларни ташкил қилиш учун сарфлаш кўпроқ фойда беради.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ҚАНДАЙ?

АҚШдаги аксарият университетлар бакалаврият босқичи талабалари билан бирга магистрант, докторант ва ўқитувчиларни алоҳида тураржой билан таъминлаш имкониятини яратган. Уларда умумий талабалар ётоқхонаси ҳамда оилавий яшашга имкон берадиган алоҳида уйлар мажмуаси мавжуд.

ЯПОНИЯда бир кишилик «талабалар уйлари» жуда кенг тарқалган. Кичик ва тор бўлса-да, барча шароитлар бўлгани учун бундай уйларга талабалар тез кўникади. Асосийси, талабаларни тураржой етишмаслигидан келиб чиқувчи беқарорлик ва бир уйда ҳаддан зиёд кўпчилик бўлиб туриш каби муаммолар қийнамайди. Улар илм олишдан чалғимади.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯдаги университетлар, асосан, ўқув машғулотлари олиб бериладиган бинолар ва

талабалар тураржойлари битта ҳудудда жойлашган кампус шаклида қурилган. Университет ётоқхонасида туришни хохламаган хорижлик талабалар учун хусусий риэлторлар билан ҳамкорликда ижарага уйлар топишда ёрдам берилди.

БИЗНИНГ-ЧА, Ўзбекистонда ана шундай кампус тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бу билан талабаларнинг бир ҳудудда тўлиқ ўқиш билан банд бўлиши, транспортда юриш учун вақт сарфламаслиги таъминланади. Узқдан арзон квартира қидириб, «олтин даврлари» асосида қутиб ўтгандан кўра, ОТМ ёнидаги янги, ихчам, муҳими, фақат талабалар учун мўлжалланган бинода яшашни кўпчилик афзал билса керак. Шундагина улар ортиқча ташвишларсиз, хотиржам равишда асосий эътиборини таълим олишга қарата оладилар.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«БЕШЛИК» ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Китоб тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Омонов, Нурунийлар жамоатчилиги Кенгаши раиси Ж.Раҳмонов Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги олдида тумандаги олис маҳаллаларда бўлиб, учрашувлар ўтказди.

«Улуғбек», «Сариосиё», «Оқсув», «Сарой», «Тупчоқ», «Искана» ва «Севаз» маҳаллаларида йиғинлар раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, профилактика инспекторлари, кўчабошилар, нурунийлар билан давра суҳбатлари ўтказилди. Тадбирларда «бешлик» тизимининг ҳамжихатликда ишлаши муҳимлиги, Президентнинг фармон ва қарорлари, топшиқлари ижросини таъминлаш,

Мустақиллиқнинг 31 йиллигини муносиб қутиб олиш, мурожаатлар ечими, жиноятчилик ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш, ҳудудни ободонлаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўз навбатида, ҳудуд фаоллари ўзларини қийнаётган масалалар бўйича мурожаат қилишди. Масъулларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.



ТОМОРҚА ХИЗМАТИ

Тер тўкканга томорқа кони фойда

ТОМОРҚАЧИЛИК ОРҚАЛИ ЖОРИЙ ЙИЛ 400 МИНГ НАФАР ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ДОИМИЙ ВА МАВСУМИЙ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН БЎЛСА, ЯНВАРЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА 318 МИНГ НАФАР ФУҚАРО ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛДИ

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда нафақат қишлоқ хўжалиги ерлари, балки аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш муҳим мезонга айланиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг бошида 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, «Томорқа хизмати» МЧЖ йўлга қўйилди. Томорқаларда маҳсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзидан 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди.

НАТИЖАДОРЛИК ҚАНДАЙ?

Бугунги кунда 509 минг гектар томорқа мавжуд бўлиб, 85 та туманда аҳоли ўз томорқасида йилига 3 марта ҳосил олмақда. Юртимизда етиштириладиган картошканинг 84 фоизи, сабзавот маҳсулотларининг 71 фоизи, полиз, узум ва меваларнинг 55-60 фоизи, чорвачилик маҳсулотларининг 94 фоиздан ортиғи аҳоли томорқалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2022 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларга кўра, аҳоли томорқасининг 97 минг гектарида турли мевали дарахтлардан ҳосил олинаётган бўлса, 198 минг гектар майдонга тўқсонбости усулида сабзавот экинлари, 384 минг гектарга баҳорги ва 309 минг гектарга такрорий экинлар экилиб, томорқа ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги 1,94 фоизни ташкил этмоқда.

ҲАМ АМАЛИЙ, ҲАМ МОЛИЯВИЙ КЎМАК

Ер эгаларига кам харажат қилиб, кўпроқ даромад олишга кўмаклашиш, молиявий ёрдамлар кўрсатишда ҳудудларда ташкил этилаётган «Томорқа хизмати» МЧЖ-

ларнинг аҳамияти катта. Бугунги кунда юртимизда 3 200 та шундай тузилмалар ташкил этилган бўлиб, улардан 2 750 таси бевосита аҳоли хонадонларига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ҳар бир секторда ўртача 6 тадан «Томорқа хизмати» ташкилотлари хизмат кўрсатаётганини билдиради. Утган йили 10 та йўналишда хизмат кўрсатувчи томорқачилик кластерлари ташкил этилди. Жорий йилда яна 36 та томорқачилик корхонаси ташкил этилиши белгиланган бўлиб, шундан 21 тасига кенгаш ҳузуридаги Жамғармадан 43,6 миллиард сўм ажратиб берилди.

Маҳсулотларни тизимли харид қилиш, сақлаш, саралаш, қадоқлаш, қуриштириш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларга сотишни ташкил этиш мақсадида «Томорқа хизмати» МЧЖлар моддий-техник базаси мустақамланиб бормоқда. Сариосиё туманининг «Анорзор» маҳалласидаги «Сариосиё фойз томорқа хизмати» МЧЖда кичик ҳажмли музлаткичга эга «дала дўкони» мавжуд. Мазкур дўкон аҳолини арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Унинг очилиши маҳалла аҳли учун қулайлик яратди. Авваллари бирор маҳсулот харид қилиш учун узоққа қатнаган фуқаролар ҳозир маҳалланинг

ўзидан савдо қиляпти.

Фарғона вилоятидаги тадбиркор Шухратжон Рўзматов эса туманининг 4 та секторидан «Ўсимликлар клиникаси»ни ташкил этган. Корхона томорқа ер эгаларига мавсумий экинлар экиш вақтида сифатли минерал ўғитлар, кафолатли кимёвий препаратлар етказиб бермоқда.

МИРИШКОРЛАР ТАЖРИБАСИ

Юртимизда «бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида томорқада йилига бир неча марта маҳсулот етиштириш оммалашмоқда. Жорий йилда шундай маҳаллалар сонини 4 109 тага етказиш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилган. Ҳозиргача 3 350 та маҳалла маълум турдаги маҳсулотни етиштиришга ихтисослаштирилди.

Жумладан, Фарғона туманидаги 5 та маҳалла малиначилиқка, Асака туманидаги 10 та маҳалла иссиқхонада сабзавот етиштиришга, Шеробод туманидаги 15 та маҳалла анорчилиқка, Пахтачи туманидаги 18 та маҳалла иссиқхоначилиқка йўналтирилди. Бекобод туманидаги «Маллабой» маҳалласида 450 дан ортиқ хонадон иссиқ-

хонада бақлажон ва булғор қалампирни етиштирмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тажрибали миришкорлар иштирокида аҳолига бозорбоп экинлар етиштиришни ўргатиш ва кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилгани бу борада айна муддао бўлди. Худудий кенгашлар ҳодимлари маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда барча туман ва шаҳарларда ўрганиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди. Жорий йил март ойида Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларига Фарғона, Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидан мингдан ортиқ тажрибали деҳқон ҳамда намунали томорқачи келиб, тажриба алмашиб, тарғибот ва услубий тавсиялари билан бўлишди.

ЗАМОНАСИГА ХОС ВА МОС...

Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда аҳоли томорқаларида инновацион ёндашувлар асосида кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

ларини етиштириш бўйича намунавий технологик харишталар яратилди. Аҳоли хонадонларида парранда, қўён, қўй ва эчки, асалари уялари, интенсив усулда балиқ боқиш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Лидер» тадбиркорларни аниқлаш самарали тизимга айланиб бормоқда. Бугунга қадар деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган 2,5 мингта маҳалланинг ҳар бирида «лидер» тадбиркорлар аниқланиб, уларга 165 минг аҳоли хонадонлари кооперация усулида бириктирилди. Кооперация тизими орқали 205,6 минг нафар ҳамда аҳоли хонадонларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш орқали 158,2 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Томорқачилик орқали жорий йил 400 минг нафар қишлоқ аҳолисининг доимий ва мавсумий бандлигини таъминлаш чоралари белгиланган. Январь-июнь ойларида томорқа хўжалиқларида 318 минг нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Э.МАМАРАҲИМОВ,
Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МАРҲАМАТЛИК НУРОНИЙ ЭНГ ФАОЛ ДЕБ ТОПИЛДИ

Вилоятда «Бир нуруний ўн нафар ёшга масъул» кўриктанловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда 16 та туман (шаҳар) дан энг фаол деб топилган 16 нафар нуруний кўриктанлов низомига мувофиқ, ўз маҳоратларини ва амалга оширган ибратли ишларини намойиш этишди. Якуний натижаларга кўра,

1-ўрин Марҳамат тумани «Мингтепа» маҳалласидан Ҳайрихон Эгамбердиевага, 2-ўрин Улуғнор тумани «Намуна» маҳалласидан Қодиржон Қўзиёевага, 3-ўрин Олтинкўл тумани «Меҳнат» маҳалласидан Ашурали Отажоновларга насиб этди.



БУГУННИНГ ГАПИ

ЎҚИТУВЧИЛАР

устамаси камайди ёки ошди?

КЎПЧИЛИК ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАЧ, УСТАМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ ЁКИ УНИНГ МИҚДОРИ ЧЕКЛАНДИ, ДЕГАН НОТЎҒРИ ФИКРГА БОРМОҚДА

Жорий йил 2 августда Вазирлар Маҳкамасининг 425-сонли қарори қабул қилиниб, айрим ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Айни ўзгаришлар педагоглар томонидан ўқитувчиларни мукофотлаш ва рағбатлантириш, Директор жамғармасидан бериладиган устамалар ва бошқа моддий имкониятлар борасидаги қарашларни турлича талқин қилишга сабаб бўлди. Хўш, ўзи нима гап?

Аслида, бу қарор билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 823-сонли қарорига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Халқ таълими вазирлигининг хабар беришича, мазкур ўзгартиришлар жойлардаги коррупцион ҳолатларни, шунингдек, молиявий хато ва камчиликларни олдини олишга қаратилган бўлиб, маблағларнинг мактаб раҳбарлари ҳамда жойлардаги масъуллар томонидан суистеъмол қилинишининг олдини олиш кўзда тутилган. Қайд этиш жоизки, ўзгаришлар бевосита ўқитувчиларни рағбатлантириш учун йўналтирилган директор жамғармаси маблағлари миқдорининг пасайишига олиб келмайди. Аксинча, аниқ мезонлар асосида белгиланадиган устамаларга ажратиладиган маблағларнинг кўпайишига ва мукофотлашнинг «барча учун тенглик» тамойили асосида амалга оширилишига

хизмат қилади. Қонунчиликка кўра, жорий йилда Директор жамғармаси жами мактаб иш ҳақи фондининг 12 фоизи бўйича шакллантирилади. Мазкур жамғарма ҳисобидан 2022 йилнинг август ойига қадар мактабнинг энг илғор ўқитувчиларига 40 фоизгача устама, шунингдек, маблағлар доирасида ходимларга моддий ёрдам ва мукофот ажратиш имконияти берилган эди.

МАЪЛУМОТ УЧУН: 2021 йилда бир мактабда ўртача директор жамғармасининг 55 фоизи педагог ходимларга ҳар ойлик устамалар учун ҳамда қолган 45 фоизи мукофот ва моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган.

Бироқ жойларда ўқитувчиларга 40 фоизгача устама бериш ўрнига фоизни камайтириш ва қолган суммани моддий ёрдам ҳамда мукофотга йўналтириш

амалиёти йилдан-йилга ошиб борган. Мисол учун, 2021 йилда мактабнинг иш ҳақи фондига 787,5 миллион сўм ва директор жамғармасига 175,5 миллион сўм ажратилган. Ушбу Жамғарма маблағларининг фақатгина 20 фоизи педагог ходимларга ҳар ойлик устамалар учун, қолган 80 фоизи мукофот ва моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган. Кўп ҳолларда Жамғарма ҳисобидан мактаб директорлари «таниш-билиш» орқали ходимларга моддий рағбатлантиришни сурункали равишда айнан бир гуруҳ ходимларга такрор-такрор амалга оширган. Мукофот пуллари директорга яқин бўлган ходимларга, қариндош ва танишларга расмийлаштирилган ҳолатлар кам эмас. Аввалги таҳрирда Жамғарма ҳисобидан моддий ёрдам миқдори чегараланмагани сабабли исталган ҳажмда моддий ёрдам кўрсатиш орқали ўғирлик ҳолатлари аниқланган. Мазкур ҳолатлар бўйича материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқ-тартибот органларига тақдим этилган. Шундан келиб чиқиб, янги таҳрирда Директор жамғармасидан моддий ёрдам кўрсатиш миқдорлари ва ҳолатлари аниқ белгилаб қўйилди. Натижада мукофот ва моддий ёрдам пуллари сабабсиз бериш имкониятлари чекланди, мактаб доирасида

ўқитувчиларни рағбатлантириш учун ажратиладиган жами сумма сақлаб қолинди. Бу билан маблағларни бевосита ўқитувчиларнинг устамаларига йўналтириш, моддий ёрдам кўрсатишнинг аниқ ҳолатларини белгилаш (ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши вафот этганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрганда), мукофот пуллари ни барчага тенг миқдорда бериш имконияти яратилди. Шунингдек, Вазир жамғармаси орқали ягона тамойил асосида республика бўйича малакали педагог ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5,5 баравари (ҳозирда 5,1 млн. сўм) миқдорида ҳар ойлик устамалар белгилаш, худди шундай миқдорда илғор ходимларга бир марталик пул мукофотини тўлаш амалиёти жорий этилди. Хулоса ўрнида, Директор жамғармасига бериладиган маблағлар камайтирилмагани, аксинча, моддий ёрдам ва мукофот пуллари аниқ мақсадларга ҳамда тенглик тамойили асосида бериш таъминланганини қайд этиш керак. Ўзгартиришлар орқали Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш ва ўқитувчи ва бошқа ходимларга тўғри етказилишини таъминлаш мақсад қилинган. Шу ўринда яна бир тушун-

мовчиликка аниқлик киритиш лозим. Яъни Директор жамғармаси ҳисобидан бериладиган устамаларнинг Халқ таълими вазирли жамғармаси ҳисобидан тайинланадиган устамаларга алоқаси йўқ. Аксинча, Халқ таълими вазирли жамғармасидан устама ва бир марталик мукофот пули олиш истагида бўлган ходимлар бир қанча синовлардан ўтса, яна қўшимча имтиёزلарга эга бўлади. Аммо кўпчилик педагог ходимлар Халқ таълими вазирли жамғармаси ташкил этилгач, Директор жамғармаси ҳисобидан тайинланадиган устамалар бекор қилинди ёки унинг миқдори чекланди, деган нотўғри фикрга бормоқда. Ваҳоланки, Халқ таълими вазирли жамғармасидан бериладиган устамалар умуман бошқа танлов шартлари билан тайинланади. Яъни Вазирлар Маҳкамасининг 823-сонли қарори асосида тайинланадиган устамалар илғор қандай тартибда берилган бўлса, яна ўша тартибда давом этаверади. Вазирлар Маҳкамасининг 425-сонли қарори билан киритилган ўзгаришлар ўқитувчиларни рағбатлантириш учун йўналтирилган директор жамғармаси маблағлари миқдорини пасайишига олиб келмайди.

Мақсадбек ФАЙЗ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН...

Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрами арафасида «Маҳаллабай», «Оилабай» иш ташкил қилиниб, Давлатобод туманида яшовчи беморлар, ногиронлиги бор шахслар, юрт раванқига ҳисса қўшган инсонлар ҳолидан хабар олинди.

Бу ташаббусда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Аҳмаджон Аълоҳўжаев, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарув раиси Аҳмаджон Мукаррамов ҳамда Давлатобод тумани ҳокимлиги масъуллари иштирок этди. Туманнинг «Мустақиллик» маҳалласида яшовчи Раҳима Ҳожимуродова, «Орзу» маҳалласида яшовчи Тоҳиржон Муҳидинов, «Элобод» маҳалласидан Лутфилло Жабборов, «Юқори

Ровустон» маҳалласида яшовчи Анорхон Пўлатова каби намунали оилалар бошлиқлари йўқлиниб, байрам совғалари улашилди. Шунингдек, маҳаллаларда яшовчи ногиронлиги бор шахслар хонадонига уюштирилган ташрифлар ўқсик кўнгилларга малҳам бўлди. Масалан, «Мустақиллик» маҳалласида яшовчи Абдумажид Обиджонов 6 йилдан буён умуртқа суякларини лат ейиши туфайли ётиб қолган. Даволанишда қийинчиликларга учраган эди. Ёки «Орзу»

маҳалласида яшовчи Улуғбек Маматалиевнинг асли касби ошпаз бўлиб, 20 йилдан буён остеохондроз меолит касаллиги билан оғрийди. Худди шу каби «Элобод» маҳалласида яшовчи Маҳмуджон Нишонбоев, «Юқори Ровустон»лик Ҳожирахон Солиева турли хасталиклардан азият чекади. Уларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



СОЛИҚ



Биринчи марта харид чеки берилмаса, ТАДБИРКОРГА ЖАЗО ЧОРАСИ ҚЎЛЛАНИЛМАЙДИМИ?

Чиндан ҳам чек бермаслик ҳолатларида жарималар қўллаш кўп эътирозларга сабаб бўлди. Бу ҳолатларнинг ечими оддий — харидорга ўз вақтида чекни бериш.

Президент Шавкат Мирзиёев 22 август куни тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Унда солиқ сиёсатида янгиликлар бўлишига ишоралар берилди. Мисол учун, ойига ўртача 1 миллион сўм солиқ тўлайдиган кичик тадбиркорларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий жарима қўлланиши, кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хиллиги танқид қилинди.

Ушбу учрашувни кузата туриб, жорий йил 1 январдан бошлаб амалиётга татбиқ этилган ва эътирозларга сабаб бўлган ҳолат тартибга солинишидан умидвор бўлдим. Яъни шу санадан харид чекини «Солиқ» мобил иловасидан рўйхатдан ўтказган фуқароларга харид суммасининг 1 фоизи қайтарила бошланди. Чек бермаганлик ҳолатлари юзасидан солиқ идораларига хабар берган фуқароларга муқофот пули берилиши йўлга қўйилди.

Айнан чек бермаслик ҳолатлари юзасидан хабардор қилиш тизими тадбиркорлар ва фуқаролар ўртасида резонансни келтириб чиқарди. Тадбиркорлар томонидан норозиликлар кўпайди. Шундан сўнг Давлат солиқ қўмитаси бу борадаги жазони юмшатгани ҳақида маълум қилди. Унга кўра, «Солиқ» мобил иловаси орқали мулкчилик шаклидан қатъий назар, биринчи мартаба келиб тушган мурожаат бўйича солиқ тўловчи хузурига борган ҳолда, профилактик суҳбат ўтказилиб, тадбиркорлик субъектининг қонун талаблари асосида иш юритиши тўғрисида расман огоҳлантирилади. Унга нисбатан таъсирчан молиявий жазо чоралари қўрилмаслиги

қайд этилганди. Бу расман қўмитанинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида эълон қилинган. Аммо жорий йил 1 июндан амалга кириши таъкидланган бу тартиб, аслида, кўп ўтмай, бекор қилингани маълум бўлди.

ҚЎМИТАНИНГ ФИКРИ ҚАНДАЙ?

Хўш, нима учун юқоридаги ҳолатда қўмита ўзи эълон қилган «юмшатиш»ни яна ўзи бекор қилганди? Шу каби саволларга жавоб олиш учун Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Дилдора Ҳошимовага мурожаат қилдик.

— Кейинги йилларда давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-тамоилларини автоматлаштириш орқали иқтисодиётда хуфийна айлангани қисқартириш, бозорда тенг рақобат шароитларини яратиш, ҳалол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қаратилган изчил чоралар қўрилмоқда, — дейди Д.Ҳошимова. — Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2022 йил 1 январдан жисмоний шахсларга харид суммасидан 1 фоиз қайтариш (кешбэк) амалиётининг

жорий этилиши ҳам савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаб, яширин иқтисодиётни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, «Cashback» ва «Soliq» мобил иловасининг жорий этилиши яширин товар айланмаларини соядан чиқаришга таъсир кўрсатиб, онлайн назорат касса машиналари орқали амалга оширилган айланма ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 бараварга ошди.

Тан олиш керак, барча дўконларни ва тадбиркорларни яқка тарзда назорат қилишнинг иложи йўқ. Шу боис муаммонинг ечими сифатида рағбатлантириш институти орқали жамоатчилик назорати кучайтириляпти. Агар тадбиркорлар, дўкондорлар чек бермаса, истеъмолчининг талаб қилиш ҳуқуқи бор. Харид чеклари авваламбор харидорга унинг сотиб олган маҳсулотини асословчи ҳужжат сифатида хизмат қилади ва кўп вазиятларда (сифатсиз чиқса, қайтариб бермоқчи ёки алмаштирмоқчи бўлса) керак бўлади.

Энди юқоридаги саволга келсак, чиндан ҳам чек бермаслик ҳолатларида жарималар қўллаш кўп эътирозларга сабаб бўлди. Бу ҳолатларнинг ечими оддий — харидорга ўз вақтида чекни бериш. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда солиқ қонунчилиги нормалари бузилишининг

олдини олиш учун эълон қилинган янгиликларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига киритиш талаб этилди. Давлат солиқ қўмитаси эълон қилинган ўзгаришлар тегишли меъерий ҳужжатларга киритилганидан кейин жорий этилиши ва унга қадар амалиётда мавжуд нормалар қўлланилиши давом эттирилишини маълум қилади. Шу боис унинг ҳуқуқий асосини яратиш бўйича иш олиб бордик. Президент тадбиркорлар билан учрашувида шу мавзунини кўтариб, енгиллик берилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Энди шу тақлифлар асосида меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқилгач, яқин кунларда барчаси қонуний кучга эга бўлади.

НЕГА «АБУ САХИЙ»ДА НАЗОРАТ ЙЎҚ?

Яна бир эътирозли ҳолатга эътибор қаратиб ўтсак. Юқоридаги ҳолатда барча савдо нуқталарида харид учун чек бериш мажбурий ҳисобланади. Лекин нима учундир пойтахтнинг энг катта бозори, халқ тилида, «Абу Сахий» деб номланувчи, «Тошкент» савдо комплексида, Тошкент вилояти Зангиота

туманига қарашли «Бек барака» савдо мажмуасидаги дўконлар деярли асосий маблағларини солиқдан яширади. Касса аппаратида номигагина сумма кирим қилиниб, қолгани банкдан ташқари айлантирилади. Бир дўконда ҳужжат бўйича бир тадбиркор рўйхатга олинган бўлса-да, амалда 4 ёки 5 нафар ижарачи иш олиб боради. Сизу биз билган бу ҳолатдан солиқчилар хабарсиз бўлиши мумкин эмас.

Хўш, у ҳолда нега муаммога умумий ечим топилмайди? Нима учун бу бозорларда солиқ қонунлари ишламай қолмоқда?

— Сиз санаб ўтган бозорлар ҳам солиқ идоралари томонидан доимий назорат қилиб борилади, — дейди Д.Ҳошимова. — Жумладан, шу бозорлардан харидорлар мурожаат қилса, ходимлар қонун доирасида текшириб боришади. Аммо барча дўконларни мунтазам назорат қилиш имконсиз. Шу боис муаммони ҳал этишда кенг жамоатчилик фаол бўлиши керак. Бозор мутасаддиларининг бизга маълум қилишича, дўконларни касса аппарати олманган тадбиркорлар ижарага ололмайди.

Биз ҳам тезроқ мукамал қонун ишлаб чиқиши тарafdоримиз. Чунки тадбиркорлар томонидан чек бермасликнинг бир қанча сабаблари бор. Масалан, нотенг рақобатнинг мавжудлиги чек беришдан қочишга омил бўлмоқда. Уйлаймизки, янги меъерий ҳужжатларда мана шу жиҳатлар инobatта олинади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



«ДУРДИЁР» КУН САЙИН ОБОД БЎЛЯПТИ

Пахтаобод туманидаги «Дурдиёр» маҳалласи бугун ўзгача қиёфага кирмоқда. Бу ерда вилоят ҳокими ташаббуси билан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ҳаракати бошлаб юборилди.

Ҳудуд инфратузилма объектига эътибор қаратиш, янгидан қуриш, жорий таъмирдан чиқариш, коммунал соҳалар йўналишларида иш ташкил этиш, ободонлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудуд аҳолисининг бандлик даражасини яхшилаш, аҳоли мурожаатларини тинглаб,

муаммоларини ҳал этиш каби масалаларда сезиларли ишлар амалга оширилди. Вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдурахмонов куни кеча маҳаллада бўлиб, жараён билан танишди. Ишларни янада жадаллаштириш борасида масъулларга топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ.

ҲУҚУҚИЙ МИНБАР



СУДЬЯЛАР Энди совға олса... Чора кўрилади

**СУДЬЯГА ХИЗМАТ САФАРЛАРИ ҲАМДА БОШҚА
РАСМИЙ ТАДБИРЛАРДА БЕРИЛГАН СОВҒАНИНГ
ҚИЙМАТИ БҲМНИНГ 3 БАРАВАРИДАН ҚИММАТ
БЎЛМАСЛИГИ ВА ОДАТИЙ ҲАМДА АХЛОҚИЙ
МЕЪЁРЛАРГА МОС КЕЛИШИ ЛОЗИМ**

Судьялар халқ назарида чинакам адолат ва ҳақиқат тимсолига айланиши учун, энг аввало, ўртадаги турли шубҳа ва гумонларга барҳам бериш керак. Шу маънода Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 4 августдаги тегишли қарори асосида ишлаб чиқилган «Судьялар томонидан совғалар қабул қилинганлиги ҳақида хабар бериш, топшириш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Низом кутилган янгилик, дейиш мумкин.

Кўпчиликда бу Низом оддий одамларга нима беради, халқ бундан қандай манфаат кўради, деган саволлар туғилиши табиий. Биринчи навбатда мазкур Низом судьялар томонидан ўзининг мансаб ва хизмат вази-фаларини бажариши билан боғлиқ хизмат сафарлари ҳамда бошқа расмий тадбирларда иштирок этиши орқали совғаларни қабул қилиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

Низомга кўра, манфаатлар тўқнашуви вужудга келишига

шарт-шароит яратишини олдин олиш ва суд қилинаётган суд ҳужжатларининг ҳолислигига шубҳа туғдирмаслик мақсадида совғалар қабул қилиниши тақиқланади.

Судьялар ўзига текинга хизматлар кўрсатилиши ёки ишлар бажарилиши, мол-мулкни вақтинчалик бепул фойдаланиш учун берилишидан ҳамда бошқа бирор-бир моддий манфаатдорликдан тийилиши лозим.

Бундан ташқари, судья нафақат ўзининг, балки оила аъзо-

лари ва у билан бирга истикомат қилувчи шахсларнинг бундай ҳаракатларни амалга оширишларини чеклаши керак. Агар судья оила аъзоларига одил судловни амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ ҳолда совға тақдим этилганлигидан хабар топса, бу ҳақда дарҳол тегишли малака ҳайъати ёки Судьялар олий кенгашига хабар бериши зарур.

Умумий қоидага кўра, судьяга берилган (ёки у қабул қилинган) ҳар қандай совға суднинг обрўси ёки судьяга таъсир кўрсатишга қаратилмаслиги, шунингдек, бирон-бир функционал мажбуриятлари бузилишига олиб келмаслиги керак.

Судьяга хизмат сафарлари ҳамда бошқа расмий тадбирларда берилган совғанинг қиймати БҲМнинг 3 бараваридан қиммат бўлмаслиги ва ода-тиЙ ҳамда

ахлоқий меъёрларга мос келиши лозим. Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, судьяга бирор тадбир иштирокчиси сифатида бериладиган канцелярия анжомлари ёки рағбатлантириш (мукофотлаш) мақсадида топширилган кичик эсдалик совғалар ҳамда тез яроқсиз ҳолга келадиган буюмлар, маҳсулотларни (масалан, гуллар, торт ва ҳоказо) қабул қилишига ҳеч қандай монелик йўқ.

Агар совға беминнат, би-роқ қиймати белгиланган миқдордан қиммат бўлса, судья бу ҳақда тегишли малака ҳайъати ёки Судьялар олий кенгашига хабар бериши лозим. Далолатнома тузилиб, совға Олий суд хузуридаги Судлар фаолияти-ни таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимларига топширилади. Шундан сўнг, судья 2 ой муддатда совғани (агар у бе-

миннат берилган бўлса) қайта сотиб олиши мумкин.

Совғани тасарруф этишдан тушган маблағлар Ўзбекистон бюджети тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда бюджет даромадига ўтказилади.

Табиий савол туғилади. Агар қайсидир судья юқоридаги низом талабларига амал қилмаса, қандай чора кўрилади? Белгиланган тартибга кўра, шундай ҳол содир бўлса, судьяларга «Судьялар одо-би кодекси» талабларидан келиб чиқиб, тегишли таъсир чоралари қўлланилади. Агар пора совға шаклида берилса ва бу инкор этиб бўлмас далиллар билан тасдиқланса, судья албатта, жи-ноий жавобгарликка тортилади.

**Сарвар МАМАДИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Чилонзор тумани судьяси.**

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«КУЖРОН» МАҲАЛЛАСИ ЯНГИ БИНОДА

Тўрақўрғон туманида маҳалла фуқаролар йиғинларининг барчаси босқичма-босқич янги биноларга эга бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрами арафасида «Кужрон» маҳалласи ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлди.

Тадбиркор Муҳаммад-бобур Инъомиддиновнинг саъй-ҳаракати билан давлат-хусусий шериклик асосида 200 миллион сўм маблағ сарфланиб қурилган бинода фуқаролар мурожаатларини тинглаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар-таълим тарбияси, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун ҳам-ма шароитлар яратилган. Бинонинг очилиш ма-

росимида туман ҳокими Аҳроржон Мансуров, сектор раҳбарлари иштирок этишди.

Туман маҳалла ва ну-ронийларни қўллаб-қув-ватлаш бўлими бошлиғи Шерзодбек Собировнинг маълум қилишича, йил сўнгигача ўнлаб яна шун-дай бинолар фойдаланиш-га топширилади.

Х.АБДУРАҲМОНОВ.



РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ФИРИБГАРЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЖАЗО БЕЛГИЛАНГАН?

Фирибгарлик — бу ўзганинг мулкни ёки мулкга бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончنى сунистеъмор қилиш йўли билан қўлга киритишдир. Фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодексига кўра, ушбу жи-ноятни содир этган шахс:

☑ БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача (15 млн. сўмдан 30 млн. сўмгача) миқдорда жарима;

☑ 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;

☑ 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш;

☑ 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Шунингдек, фирибгарликнинг миқ-дори, такрорийлиги, содир этган шах-слар, содир этиш воситасидан келиб чиқиб, жавобгарлик чораси оғирла-шиши мумкин.

Фирибгарлик компьютер техника-си воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса:

☑ БҲМнинг 100 бараваридан 300 бараваригача (30 млн. сўмдан 90 млн. сўмгача) миқдорда жарима;

☑ 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;

☑ 3 йилдан 5 йилгача озодлик-ни чеклаш;

☑ 3 йилдан 5 йилгача озодлик-дан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса:

☑ БҲМнинг 300 бараваридан 400 бараваригача (90 млн. сўмдан 120 млн. сўмгача) миқдорда жарима;

☑ 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари;

☑ муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик уюшган гуруҳ томо-нидан ёки унинг манфаатларини кўз-лаб содир этилган бўлса:

☑ БҲМнинг 400 бараваридан 600 бараваригача (120 млн. сўмдан 180 млн. сўмгача) миқдорда жарима;

☑ 8 йилдан 10 йилгача озодлик-дан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

БОЛАЛАР

БАЙРАМЛАРНИ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАДИ?

ҲАЁТИНИ ТЕЛЕФОН ВА ТУРЛИ ГАДЖЕТЛАРСИЗ ТАСАВВУР ЭТОЛМАЙДИГАН АВЛОД УЧУН ХАЛҚ ҲАЁТИНИ АСОСИДАГИ ИЛОВАЛАР, ҲАЁТДАГИ ҲАҚИҚАТЛАРНИ ТУГАРИШ КЕРАКЛИГИ ДАВЛАТ ТУРАМИЗДА ҚУВАТЛИК МАСАЛА

Халқимизнинг энг асосий байрами — Мустақиллик куни. Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига борманг, тую тантана, шодиёна устидан чиқасиз. Улуғ айёмни халқимиз тинчлик ва фаровонлик, шукроналик билан қарши олмақда. Халқимизнинг яна бир гўзал одати борки, у фақат шодиёна кунларимизда кўзга ташланади. Бу — миллий ўйинларимиз намоишидир.

МИЛЛИЙ ҲАЁТИМИЗ НЕГА ОММАЛАШАМЯПТИ?

Мустақиллик йилларида миллий спорт турларидан кураш, белбоғли кураш, ўзбек жанг санъати, Турон яккакураши, қарабтеп (ланка) ва улоқ-қўпқари халқаро спорт турлари қаторидан жой олди. Бугунги кунда ушбу спорт турлари бўйича бутун дунё беллашмоқда. Аммо халқ ўйинларимиз сон жиҳатдан шу қадар кўпки, уларнинг аксариятига ҳали юртимизнинг ўзида эътибор қаратиб улгурилмаган. «Ўзбек халқ миллий ўйинлари» китоби муаллифи Рўзиқул Мустафоқулов ана шундай миллий болалар ўйинларининг юздан ортигини йиққан.

Оддий мисол, қарабтеп (ланка) ўйини оладиган бўлсак, у 7 минг йиллик тарихга эга. Нафақат Марказий Осиёда, балки Хитой, Шимолий Кавказ, Сибир ҳамда Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Чиллак ўйини эса қатнашчилардан зукколик, ўйин маданиятини, жисмоний бақувватликни, жасурликни талаб қилади. Бу рўйхатни узоқ давом этириши мумкин. Бироқ шуниси аниқки, аждодларимиз ҳаёти давомида машғул бўлиб келган ҳар бир миллий спорт турида орият ва ҳалоллик мужассам. Халқ ўйинларимизнинг қонун-қоидалари шу қадар мукамал шаклланиганки, деярли барчасини ҳаққондорлик билан ва завқли равиш билан амалга ошириш мумкин. Афсуски, ишти-

рокчилари, асосан, болалар бўлган бу ўйинларнинг ўрнини бугун турли гаджетлар эгаллаб бормоқда. Уйналмай қўйилгани учун халқ ўйинлари тақдирини сўроқ остида қолаётгани аниқ ҳақиқат.

Айни мавзуда фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Шамирза Турдимовнинг фикр билдиришича, миллий ўйинларнинг кўпи 2010 йилдан кейин деярли ўйналмай қўйилган. Бундай ўйинларнинг болани жамиятга қўшишдаги ўрнини ҳеч бир восита билан тўлдириб бўлмайди. Ўйинлар боланинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан ривожланишига ёрдам беради. Болани жамиятга аралаштиради. Унинг жамиятда ўрнини топишига кўмакчи бўлади. Чунки ўйинда бола ўйинбоши, иштирокчи бўлади, ўйин унга жамият, дунё ҳақида билим беради.

Энг қизиғи, бу билимлар болага мажбуран эмас, унга завқ уйғотиб ўргатилади. Бизнинг халқ педагогикамиз моҳияти шундан иборат. Дарҳақиқат, гаджетлардаги ўйинлар тасаввурни, ақлни чархлаши мумкин, лекин компьютер ўйинлари деярли ҳаракатсиз бўлгани боис бола бунда фақат кузатувчи бўлади, холос. Ҳаракатсизлик эса боланинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол бўлиб вояга етишида улкан тўсиқ.

ДОРБОЗЛИК — КАТТА САНЪАТ

Президентимизнинг шу йил 25 майдаги «Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори халқ ўйинларини оммалаштириш, фарзандларимизнинг соғлом ўсиб-улгайиши йўлида катта аҳамиятга эга. Қарор билан Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури ҳамда уни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.

Унга кўра, 2023 йил 1 мартдан ҳар йили этноспорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. 2023 йилдан анъанавий тарзда Тошкент шаҳрида йилига бир мартаба этноспорт турлари бўйича «Uzbekistan Ethno Games» республика фестивали, Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир бор Халқаро этноспорт фестивали ташкил қилинади. 2022-2023 ўқув йилидан Республика эстрада цирк коллежидан полвонлик ва дорбозлик санъати йўналишида ўрта бўғин кадрлари тайёрланади. 2023 йилдан ҳар икки йилда бир мартаба полвонлар ва дорбозлар иштирокида «Полвонлар сулоласи» кўрик-танловини ўтказилади. Шунингдек, ЮНЕСКО ташкилотидан номоддий маданий мерос мақоми олиниши мумкин бўлган этноспорт турлари рўйхати шакллантирилади.

Юқоридики келтириб ўтганимиздек, этноспорт турлари ривожланишида дорбозлик ва полвонлик санъатининг ўрни бекиёс. Асрлар давомида кадрланиб келаётган бу миллий ўйинларимизга дунё ҳамжамияти катта қизиқиш билан қаради. Ҳозирда республикаимизда 40 та оилавий дорбозлик гуруҳлари

фаолият кўрсатиб келмоқда. «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасасининг «Ўзбекистон дорбозлари» жамоалари қадимги дорбозлик анъаналарини замонавий циркнинг бадиий ифода воситалари билан бойитиб келмоқда. Кейинги йилларда бундай жамоаларга солиқ ва бошқа соҳаларда қатор имтиёзлар берилди, транспорт ажратилди.

— Дорбозлар даврасида, полвонлик, баҳодирлар ўйинларида ўзига хос жиҳатлар жуда кўп, — дейди таниқли полвон Турсунали Мухаммад. — Булар кўрақда тош синдириш, одам кўтариш, транспортни устидан юргизиш, ҳайвонларни тиш билан кўтара олиш, морбозлик, бесуяқбозлик каби ўзига хос дастурлар асосида тайёрланган ўйинлар асрлар давомида ўз жозибасини йўқотмаган. Биргина Фарғона вилоятида миллий ўйинлар ва дорбозлик йўналишида 12 та жамоа фаолият кўрсатмоқда. Бироқ бу жуда кам. Аслида бу йўналишларга бўлган қизиқиш катта. Лекин ёшларни жамлаш, билим ва қўникмаларини оширишга қаратилган ўқув масканлари йўқ эди. Президентимиз қароридан Республика эстрада цирк коллежидан полвонлик ва дорбозлик санъати йўналишида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш, ҳар икки йилда бир мартаба полвонлар ва дорбозлар иштирокида «Полвонлар сулоласи» кўрик-танловини ўтказиш белгилангани нур устига нур бўлди. Бу билан полвонлик ва дорбозлик санъатига бўлган қизиқиш кучаяди, миллий қадриятларимиз сифатида асрлар оша келаётган мардлик, тантилик хислатлари кенг шаклланади.

КОМПЬЮТЕР ВА МИЛЛИЙ ҲАЁТНИ ҲАҚИҚАТЛИК ҲАЁТГА ҚАРАТИШ КЕРАК

Қарордан умумхалқ байрамларимизни нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар доирасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш, «устоз-шоғирд» анъанаси асосида полвонлик ва дорбозлик сингари спорт турлари ва миллий ўйинларни ривожлантириш, бу йўналишдаги тўғаракларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ўрин олган. Булар этноспорт турларини ривожлантиришга хизмат қилиб, айни соҳада изланиш олиб бораётган чора-тадбирларни рағбатлантиришда ўзига хос имконият яратди.

Таъкидлаш жоизки, ҳаётини телефон ва турли гаджетларсиз тасаввур этолмайдиغان авлод учун миллий қадриятларимиз, халқ ўйинларимиз асосидаги иловалар, ўйинлар ўйлаб топиш кераклиги долзарб масала. Ш.Турдимов компьютер ўйинларига маълум миқдорда инсонни ҳаракатга келтирадиган, уни фаоллаштирадиган шартларни қўшиш, ўйлаб топиш кераклигини айтади.

— Аслида ҳеч нарсаянгидан пайдо бўлган эмас, — дейди Шамирза Турдимов. — Бугун яратилётган компьютер ўйинларининг асоси ўйин қаердан келаётган бўлса, ўша халқнинг фольклори, адабиёти, санъатига таянади. Биз фақат истеъмолчи бўлишимиз керак эмас. Бизнинг санъатимиз, фольклоримиз бор. Шуларни компьютер ўйинларига қўшиш керак.

Авлоддан авлодга ўтиб келган «Оқ теракми-кўк терак», «Беркинмачоқ», «Ошиқ», «Бойчечак», «Хола-хола», «Қорхат», «Кўпқари» каби ўйинлар рўйхатини мингтага етказиш мумкин. Президент қарорининг бундай нодир номоддий меросимизни кенгроқ тарғиб этиш, унутилишига йўл қўймаслик, тадқиқ қилиш ҳамда халқимизни завқлантириши, соғлом турмуш тарзига ошно этиши, ўғил-қизларимизни ўзига жалб этиши учун замин яратишига ишончимиз комил.

Саида ЭШМЎМИНОВА.

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазириликнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журналі
муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳона келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 2 босма табоқ,
8 215 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-718 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер маркасида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.